ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

5620200 – Агрономия таълим йўналиши битирувчи курс талабаси

Қаюмов Исрофилнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***МАВЗУ*: « Кечки картошка етиштиришда хосилдорликга агротехник тадбирлар таъсири »**

Илмий раҳбар, доцент **А.Р.Ботиров**

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди
(- йиғилиш)
кафедра мудири, доцент
_____ Д.С.Нормуродов
«____» ____ 2011 йил

Агрономия факультети
декани, доцент
_____ М.А.Ҳайитов
«____» _____ 2011 йил

САМАРҚАНД – 2011

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
“ЎСИМЛИКШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ № 10 – СОНЛИ
ЙИҒИЛИШИНИНГ БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

“03” май 2011 йил **Самарқанд шаҳри**

ҚАТНАШДИЛАР:
Кафедра мудири, доцент Д.Нормуродов,
профессор Н.Халилов, доцентлар,
А.Ботиров, А.Ҳамзаев, ассистентлар
Б.Мавлонов, Н.Равшанова, Ғ.Обруев

КУН ТАРТИБИ

Агрономия 5620200- Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича) таълим йўналиши битирувчиси 4 - курс талабаси Қаюмов Исрофил “Кечки картошка етиштиришда хосилдорликга агротехник тадбирлар таъсири” мавзусидаги битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Тингланди: 1. Кун тартибидаги масала юзасидан кафедра мудири, доцент Д.С.Нормуродов сўзга чиқиб, ЎзР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 09.06.2010 йил 225 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида бакалаврнинг битирув малакавий иши” тўғрисидаги Низомга асосан ҳар бир битирувчининг битирув малакавий иши кафедрада муҳокама қилингандан кейин ДАК ҳимоясига тавсия этилиши кераклиги айтилди. Шундан сунг, 4 – босқич талабаси Қаюмов Исрофилга битирув малакавий ишини мазмунини таништириш учун сўз берилди.

Қаюмов Исрофил ўзининг битирув малакавий ишининг мавзусини долзарблиги, аҳамияти, тадқиқот ўтказиш услублари ва натижалари билан таништириб, қилинган асосий хулоса ва тавсияларни ўқиб берди.

Шундан сўнг, кафедра профессор – ўқитувчилари – Н. Халилов А.Ботиров, Б.Мавлонов, Ғ. Обруевлар Қаюмов Исрофилга мавзу юзасидан 4-5 та саволлар берилди ва битирувчи бу саволларга тегишлича жавоб қайтарди.

Муҳокамада иштирок этган доцентлар А.Ботиров, Б.Мавлоновлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришганларидан сўнг қуйидагича

Қарор қилинди:

1. Агрономия факултети битирувчиси Қаюмов Исрофилнинг малакавий иши мавзусини долзарблиги, бажарилган ишининг якунланганлигини, хулоса ва таклифлар ишининг мазмунидан келиб чиққанлигини ва у барча кўрсаткичлар бўйича ДАК талабига жавоб беришини инобатга олиб, ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Йиғилиш раиси, доцент Д.С.Нормуродов

Котиба Г.Улуғмуродова

Мундарижа

Кириш .....

1.Адабиётлар шарҳи.....

1.1. Кечки картошкани етиштиришда хосилдорликга агротехник тадбирлар таъсири .....

1.2. Картошка экинининг минерал угитларга талаби.....

1.3. Картошкани экиш усуллари ва туп қалинлиги.....

1.4. Картошканинг биологик хусусияти.....

1.5. Кечки картошка етиштиришда хосилдорликга агротехник тадбирлар таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари ва уларнинг таҳлили.....

2.Ўзбекистонда районлаштирилган ва кенг тарқалган картошка навлари.....

3. Кечки картошка етиштириш технологияси.....

4. Кечки картошка етиштириш технологик харитаси.....

6. И.А.Каримовнинг мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари .....

7.Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.....

8.Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги .....

Хулоса ва таклифлар.....

9.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ИЛОВА

Интернет маълумотлари .....

Кириш

Картошка – озиқ овқат, ем-хашак ва техник аҳамиятга эга универсал экиндир. У дунё деҳқончилигида майдони бўйича буғдой, шоли, маккажўхоридан кейинги ўринда, аҳамияти жиҳатдан эса иккинчи ўринда туради. Шунинг учун ҳақли равишда иккинчи нон деб юритилади. Туганак биокимёвий таркиби 75 % сув ва 25 % қуруқ моддадан иборат. Қуруқ модданинг 70-80 % и крахмал бўлиб, туганакда унинг миқдори 13-20 %, оқсил-2-3 %, клетчатка-1 %, мой-0,2-0,3 %, шакар-1 %, кул 0,8-1,0 % ни ташкил этади.

Республикамизда картошкачилик асосан нисбатан салқин, чириндига бой, ер ости сизот сувлари юза жойлашган тупроқларда ёки тоғли ҳамда тоғ олди ҳудудларда жойлаштирилган. Чунки, картошка келиб чиқишига кўра, баланд тоғли минтақалар ўсимлиги. Бундай жойларда тупроқ ва иқлим шароити картошканинг ўсиши ва ривожланиши учун ниҳоятда қулай бўлиб, ёз ойларида ўртача ҳарорат текисликларга қараганда 8-10^0 С гача паст ва намлик юқори бўлади. Картошка экинининг агротехник ва агроиқтисодий аҳамияти ҳам катта.

Чунки, чопиқ талаб экин бўлгани учун у етиштирилган дала тупроғи юмшоқ ва бегона ўтлардан тозаланиб, кўплаб бошоқли ва дуккакли дон экинлари учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Кўпчилик мамлакатларда шудгорни банд қилувчи экин сифатида ўстирилади.

Ўзбекистонда картошка асосан озиқ-овқат мақсадида ишлатилади. Фақат, нотовар майда, сифатсиз туганаклар ҳосили молларга берилади

Тоғли жойларда кундузги ва тунги ҳароратлар ўртасидаги фарқ ҳам текисликларга нисбатан анча катта бўлиб, ўсимликда кундузги тўпланган ассимиляция маҳсулотлари тунги соатларда сарфланиб улгурмайди ва натижада ўсимлик ер устки қисмларида тўпланиб, хужайра ширасининг концентрациясини оширади. Бу эса ўз навбатида ўсимликнинг совуққа чидамлилигини кучайтиради. Шунинг учун, Помир шароитида картошка

ўсимлиги -7-8^0 С совуққа чидай олади (Н.Н.Балашев, 1972, 1976; Н.Н.Балашев, Е.Г.Лучинина, 1978).

Кўпчилик тадқиқотчилар (Н.Н.Балашев, 1963; 1978; В.И.Зуев, А.Умаров, О.Қодирхўжаев, 1987; Д.Т.Абдукаримов, 1971, 1987; Т.Э.Остонақулов, 1988, 1991, 1997, 2003; И.Т.Эргашев, 2000 кабилар) нинг таъкидлашича, тоғли шароитларда вирусли касалликлар ва уларнинг ташувчилари кам тарқалган. Шунинг учун, денгиз сатҳидан 1000 м ва ундан зиёд баландликда етиштирилган картошка вирус ва бактериялардан соғлом, айнимаган бўлиб, уруғлик ҳамда бошқа сифатлари юқори бўлади (Т.Э.Остонақулов, 1997).

Ўзбекистоннинг Ургут тумани шароитларида картошка экинини уруғлик ҳамда товар мақсадларда етиштиришга мос ва қулайлиги билан характерланади.

Тоғли шароитда районлаштирилган картошканинг тезпишар ва ўртатезпишар навлар ҳосилдорлигига агротехник тадбирлар таъсирини ўрганишни мақсад қилиб олдик.

Зарафшон водийсининг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида қулай агротехнологик тадбирларни илмий асослаш муҳим амалий ва назарий аҳамиятга эга.

1. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1.1. Кечки картошкани етиштиришда хосилдорликга агротехник тадбирлар таъсири

Турли географик минтақаларда картошка ўстирилганда энг юқори ҳосилдорлик ва соғлом, экологик тоза ҳосил тоғли шароитларда олинади (Н.Н.Балашев, 1968, 1976; О.Я.Фонина, 1970; В.И.Зуев ва бошқалар, 1987; Д.Т.Абдукаримов, 1987). Тоғ иқлимининг картошка ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатига ижобий таъсири энг аввало унинг ҳарорати билан боғлиқ.

Эртаги картошка енгил қумоқли механик таркибига эга ўтлоқ, ўтлоқ-бўз тупроқларда, дарё ён бағри участкаларида, тоғли ва тоғолди минтақаларида яхши ўсиб, юқори ҳосил беради (Т.Э.Остонақулов, 1997).

Тоғ иқлимининг муҳим хусусияти ҳароратнинг сутка давомида кескин катта амплитудада ўзгаришидир. Бунинг оқибатида ўсимликда кун мобайнида ҳосил бўлган ассимиляция маҳсулотлари текисликлардагидан фарқли ўлароқ сарфланиб улгурмасдан, кечки соатларда ўсимликнинг ер устки органларида тўпланади, натижада унинг ҳужайра ширасиқуюқлигини оширади ва совуққа чидамли қилиб қўяди. Шунинг учун Помирда картошка - 7-8^0 С гача совуққа чидайди (Н.Баранов 1970, Н.Н.Балашев 1972, 1976).

Тоғ ҳудудларида қуёш радиациясининг келиши кўп бўлиши билан бирга унинг спектри инфрақизил ва ультрабинафша нурларга бойлиги кузатилади. Бу эса картошка ўсимлигининг тез ўсиш, ривожланиши ва ҳосил тўплашини тезлаштиради. Ҳатто об-ҳаво ноқулай йилларда ҳам тоғ шароитида картошкадан юқори ҳосил олинади (Н.Н.Балашев, 1976). Кўпчилик тадқиқотчиларнинг (Н.Н.Балашев, 1976; Д.Т.Абдукаримов, 1987; Т.Э.Остонақулов, 1991, 1997, 2000, 2003) таъкидлашича, тоғ ва тоғолди ҳудудларда вирусли инфекцияларни ташувчилар-битлар(ширалар) камлиги туфайли уруғлик сифати юқори (рангли, тўғри шаклли, крахмалга бой, мазаси яхши, маҳсулдор), айнимаган репродукцияли туганаклар олинади.

Тоғ шароитида вирусли касалликлар ташувчилари (асосан битлар) текисликлардагига нисбатан 2-4 ҳафта кеч пайдо бўлиши Р.Г.Гайнулина, З.Н.Герасимова (1971), олинган ҳосил соғлом ва махсулдор бўлиши Д.Григорьян (1965), Т.Бубенцов (1970), С.Гусейнов (1972) кабилар тажрибаларида ҳам қайд этилган.

Тоғ шароитининг картошка экинини ўзига жалб этадиган томони бу ерда ўсимлик яхши гуллаб, кўп ва йирик резавор-мевалар беришидир (Т.Э.Остонақулов, 2002).

Водий шароитида яхши гулламайдиган навлар тоғ шароитида гуллаб, уруғ беради. Денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда ҳам ўсимлик резавор мевалари пишиб, унувчан уруғлар беради. Бу эса тоғ шароитида картошка селекцияси билан шуғулланишни (ташкил этишни) генератив – уруғдан картошкани кўчат экин сифатида ўстиришга имкон берувчи гетерозисли дурагай популяциялар, навлар уруғчилигини ташкил этиш мумкинлиги кўрсатади (Т.Э.Остонақулов, 1997).

Тожикистонда Ю.Каюмов (1974) маълумотлари бўйича, денгиз сатҳидан 400 метр баландликда картошка туганакларининг -41,1 % и, 820 метр баландликда -28,3 % и, 1100 метр баландликда -24,0 % и, 2200 метр баландликда -6,1 % и айниганини кўрсатди.

Бироқ, Н.Н.Балашев (1968, 1976), Д.Т.Абдукаримов (1971, 1987), Т.Э.Остонақулов (1980, 1987, 1991, 1997, 2000, 2002, 2004), И.Т.Эргашев (2000) Ўзбекистонда, М.И.Гольдин ва Э.Н.Елисева (1976) Қозоғистонда, Б.А.Писарев, Л.Н.Трофимец (1982) ларнинг Россия ва Кавказ ортида ўтказган кузатиш ва тадқиқотлари асосида, картошка тоғ уруғчилик репродукцияси вирусли айнишдан (инфекциядан) соғломлашмаслиги (ҳоли эмаслиги) ни кўрсатди. Шунинг учун тоғ шароитида ҳам картошка уруғчилигини ташкил этишда фақат соғлом, айнимаган вируслардан ҳоли уруғлик материаллардан фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Тоғли минтақаларда картошкачилик суғориш ва йўл тармоқларининг етарли ривожланмаганлиги, айрим ҳолларда аҳолининг камлиги бу ерларда картошка етиштиришга тўсиқ бўлиши мумкин.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон тоғларида картошка экини денгиз сатҳидан баландлиги ва навига боғлиқ равишда жанубий ёки шимолий қияликка, апрел охири, май, июн ойларида, юза (5-8 см) чуқурликда экилади. Албатта, сунъий суғориш (2-5 мартагача) ҳамда ўғитлаш талаб этилади (Н.Н.Балашев, 1976; Л.Г.Бобров, 1982, 1987; А.Элов, 1988).

1.2. Картошка экинининг минерал угитларга талаби

Картошка тупроқдаги озиқ элементларига талабчан ўсимлик. Бу унинг биологик хусусиятлари, жумладан кўп миқдорда биомасса тўплаши ва нисбатан илдиз тизимининг кучсиз ривожланганлиги билан боғлиқ (Б.А.Писарев, В.А.Сухоиванов, А.В.Борисов, И.Ильин ва бошқалар, 1974).

Ўртача ҳар 100 центнер картошка ҳосили ўзи билан 50 килограмм азот, 20 килограмм фосфор, 90 килограмм калий олиб чиқади (Б.А.Писарев, 1977, 1980, 1988, Т.Э.Остонақулов, 1997).

Озиқ элементларни ердан олиб чиқиш бўйича картошка лавлаги ва баъзи техника ҳамда сабзавот экинларини ҳисобга олмаганда, кўпчилик экинлардан устун туради. Картошканинг озиқ элементларга талаби ўсув даврида тупроқ иқлим шароитларига, агротехника даражасига, тупроқ унумдорлигига, навига ва ҳосилдан фойдаланиш йўналишига қараб турлича ўзгаради (Н.Н.Балашев, 1979).

Озиқ элементларнинг тупроқда етишмаслиги ёки ортиқча миқдорда бўлиши ўсимликнинг вегетатив ва репродуктив органларининг нисбатига, маҳсулдорлиги, касаллик ва ноқулай шароитларга, айнишга чидамлиги, ҳосилдорлик, туганак биокимёвий таркиби, сақланувчанлиги ва уруғлик сифатига ниҳоятда катта таъсир этади (Н.Н.Балашев, Е.Г.Лучинина, 1978; Т.Э.Остонақулов, 2003).

Қулай озиқланиш шароити, тупроқ намлик режими ва зичлаштириб картошка ўстиришнинг ҳосил миқдори ва уруғлик сифатига таъсирини Е.В.Московина (1965), С.Хушвақтов (1973), С.Нарзиева (1980), М.Қ.Луков (1984) кабилар ўрганиб, минерал ўғитлар тўлиқ N_{150} P_{120} K_{60} кг/га меъёрда, тупроқ намлиги ўсув даврида ДНС нисбатан 75-80 % да, 70х20-25, 90х15-20 см ёки 90х30+30 (20) см схемаларда экилганда энг юқори бўлишини қайд этдилар.

Картошка уруғчилигида минерал ўғитларни роли ҳақида олимларнинг фикри турлича. М.Я.Березовский (1971), В.И.Минашкин, Г.Шуметов (1972), Н.Н.Балашев (1976), С.М.Букасов, А.Я.Камераз (1972) кабилар азотли ўғитлар туганак уруғлик сифатини ёмонлаштириб, айнишни тезлаштиради, фосфорли ўғитлар ҳам пишишни жадаллаштириб, айнишга олиб келади, калийли ўғитлар эса (хлор сақламайдиганлари) ўсимликнинг айнишига бардошлигини оширади деб ҳисоблайдилар.

Картошкани ўғитлаш тизими экин ўстирилаётган муддат, нави, маҳсулотдан фойдаланиш йўналиши, тупроқ типи, сув билан таъминланганлик даражаси, хосилдорлик, тупроқнинг шўрланиш даражаси, ўтмишдош экинлар кабиларга қараб турлича бўлади (Т.Э.Остонақулов, 1997).

Тошкент вилояти бўз тупроқларида Н.Усмонбеков (1968) таъкидлашича, минерал ўғитларни N_{200} P_{200} K_{100} кг/га меъёрда қўллаш энг самарали ҳисобланади.

Самарқанд вилоятининг ўтлоқ-бўз тупроқларида Т.Э.Остонақулов (1980) нинг картошка ўртапишар Лорх ва Сулев навлари учун минерал ўғитларни кечки муддатда N_{200} P_{160} K_{100} кг/га меъёр ва нисбатда солиш гектаридан 260-280 центнер товар уруғбоп ҳосилни таъминлаган. Минерал ўғитларни N_{250} P_{200} K_{125} ва N_{300} P_{240} K_{150} кг/га гача ошириш ҳосилдорликнинг ошишига сезиларли таъсир кўрсатмай, балки унинг айнишига, уруғлик ва озиқлик сифатининг пасайишига олиб келиши аниқланди.

Минерал ўғитлардан кенг фойдаланилиш муносабати билан кимёлаштириш мажмуасида органик ўғитларнинг салмоғи янада ортиб

бормоқда. Улардан фойдаланиш минерал ўғитлар самарадорлигини оширади, ўсимликларни макро ва микроэлементлар билан таъминлайди, тупроқдаги озиқ моддалар балансини тартибга солиб туради, қийин эрувчан фосфатларни ўсимликлар томонидан енгил ўзлаштириладиган ҳолатга ўтказиш имконини беради (Х.З.Умаров, А.Т.Тошхўжаев, М.З.Умарова, 1989).

Гўнг ерга солингач фақат биринчи йилигина эмас, балки иккинчи йили ҳам ўсимликлар унинг таркибидаги азотнинг 15-20 % ини, фосфорнинг 10-15 % ини, калийнинг 10-15 % ини, учинчи йилги азотнинг 10-15 % ини, фосфорнинг 5-10 % ини ва калийнинг 0-10 % идан фойдаланиб, ҳосилнинг ошишига ижобий таъсир этади. Кўп йиллик дала тажрибалари натижаларига қараганда, таркибидаги ялпи озиқ моддалари бўйича эквивалент миқдорида гўнг ва минерал ўғитлар берилган экинлардан олинадиган қўшимча ҳосил миқдори бир-бирига яқин келади (Х.Умаров, А.Тошхўжаев, М.З.Умарова, 1989).

Ерга солинган ҳар бир тонна гўнг помидор ҳосилини 170-180, карам ҳосилини 150-160, картошка ҳосилини 85-90 ва полиз экинлари ҳосилини 180-190 килограмга оширади (Х.Умаров, 1977; Х.Умаров, А.Тошхўжаев, М.З.Умарова, 1989).

Д.Н.Прянишников (1952) таъкидлашича, ўғитларни самарали қўллаб улардан фойдаланиш коэффицентини ошириш мақсадида ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишининг бошқа омилларини яхшилаш зарур. Мақбул ўғит меъёри нисбий тушунча бўлиб, уни аниқлайдиган омилларидан бири суғориш хисобланади. Суғориш туфайли ўғитлаш тартиби, ўғит тури, агротехника даражаси кабилар туфайли мақбул ўғит меъёри ортиши мумкин.

Ўсув даврида органик ва минерал ўғитлар солиб ўсимликни етарли миқдорда озиқ элементлари билан таъминлаш картошкадан муттасил мўл ҳосил олишнинг муҳим омилларидандир (Т.Э.Остонақулов, 1980). Кўпчилик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар қандай об-ҳаво ва тупроқ шароитларида картошка энг кўп калий, камроқ азот ва жуда кам фосфорга эхтиёж сезади.

Картошканинг озиқ элементларга талаби ҳосил ошиши ва ўғит меъёри ортиши билан кўпаяди (А.И.Тамман, 1963).

Озиқланиш шароитини ўзгартириб, ўсимликнинг ўсишини кучайтириш, унинг ривожланишини тўхтатиш ёки жадаллаштириш, ер устки ва остки органлар нисбатини мувофиқлаш, ҳосилни ошириш, олинаётган маҳсулот биокимёвий таркибини ўзгартириш мумкин (М.Б.Гилис, 1975).

В.С.Гончаров (1971) таъкидлашича, ўғитлаш туфайли ўсимликнинг ассимиляция юзаси ортади, ўсимлик тупида кўп ва йирик туганаклар тўпланади.

Н.Жданов ва М.Лугманов (1976) қайд этишича, ўғитланган вариантда ўсимлик ораси ва қаторлар ўсимлик томонидан тез ёпилиши ҳисобига тупроқ 0-20см қатламида ҳарорат 1,0-4,3^0 С га (ўғитсиз вариантга нисбатан) паст бўлади.

Т.Э.Остонақулов (1997) таъкидлашича, органик ўғитлар билан минерал ўғитлар қўшиб, биргаликда қўлланса, экинлар ҳосилдорлиги янада ортади ва энг кўп қўшимча ҳосил олинади.

Тажрибалардан аниқланишича, картошка уруғлик туганаклари, карам ва помидор уруғлари микроэлементларни 0,02-0,05 % ли эритмаси билан экиш олди ишланганда ёки барги орқали озиқлантирилганда, ҳосилдорлик 10-23 % га ортганлиги, сифати анча яхшиланганлиги маълум бўлди (Т.Э.Остонақулов, 1996).

1.3. Картошкани экиш усуллари ва туп қалинлиги

Экиш усули тўғрисидаги таълимотга сезиларли ҳисса қўшган олимлар В.И.Эдельштейн (1962), И.И.Синягин (1975), М.В.Марков (1970), Н.Н.Балашев (1968, 1976), Д.Т.Абдукаримов (1971), В.И.Зуев (1983, 1987), О.Я.Фонина (1972) ва бошқалар ҳисобланади. И.И.Синягин (1975) таъкидлашича, ўсимликнинг озиқланиш майдонини танлаш ҳар қандай қишлоқ хўжалик экинини етиштиришнинг энг муҳим туб масалаларидан бўлиб, уни тўғри белгилаш нафақат ҳосил миқдори ва сифатини, балки

маҳсулот бирлигига меҳнат харажатлари ва механизациядан фойдаланиш имкониятларини аниқлайди.

Т.Э.Остонақулов (1991, 1997, 2002) тажрибалари натижаларига кўра, эртанги картошка навлари 70х20-25 см схемаларда экилганда ҳар бир гектар майдонда 57 мингтадан 71 мингтагача кўчат бўлишини таъминлайди. Картошка туганакларини қалин экиш бир гектар майдондаги ўсимликлар сони ортириб қолмай, балки пайкалнинг микроиқлим шароити яхшиланиб, тупроқ ортиқча қизиб кетмайди, ҳарорат пасайиб, ўсимлик атрофида ҳаво намлиги ошади. Бу экиннинг ўсиши, ривожланиши, туганак пайдо бўлиши ва етилиши, ниҳоят ҳосилдорликнинг ортишига фойдали таъсир этади, деб таъкидлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, картошка ҳосилини белгилайдиган асосий элементлардан бири – тупдаги поялар сони ҳисобланади. Шунинг учун бир тупдаги поялар 3-4 тадан кам бўлмаслиги, ҳар гектарда эса 160-250 минг поя бўлиши мўл эртаги картошка ҳосилининг гаровидир (Т.Э.Остонақулов, 1997).

Д.Т.Абдукаримов, С.Х.Хушвақтов (1972) Самарқанд вилояти шароитида картошка Лорх навини 70х20 см схемада гектарда 71 минг туп қалинликда экиш энг юқори ҳосилдорлик билан бирга кўп сифатли уруғбоп туганаклар чиқишни таъминлашини қайд этади.

Н.Н.Балашев, Е.Г.Лучинина (1978), М.Қ.Луков (1983), С.Х.Нарзиева (1981), Т.Қурбонов (1984), Т.Э.Остонақулов (1975, 1997), М.Ортиқов (1999), А.Ҳамзаев (2000) ва бошқаларнинг таъкидлашича, картошкани етиштириш ва экиш усули, муддати, нави ҳамда ҳосилдан фойдаланиш соҳасига қараб, 70х15-20 ёки 90х20-25 см схемаларда гектарда 95 минг тупгача жойлаштириш мумкин.

Т.Э.Остонақулов (1997) фикрига кўра, туп сон оширилганда айрим ўсимликларнинг маҳсулдорлиги камаяди, лекин гектардаги кўчат сони кўпайиб, бунинг эвазига ҳар гектардан олинадиган ҳосил миқдори ортади. Лекин ўсимликлар ҳаддан ташқари қалин қилиб экилса, улар салқинлашиб

қолиб, бир-бирини эзади ва нобуд қилади, натижада ўсимликларнинг ривожланиши кечикади, ҳосили камаяди ва сифати кескин ёмонлашади.

Республикамизда қуёшнинг ерга кучли даражада нур сочиши (инсоляцияси) ўсимликнинг ўсиш ва ҳосил тўплашига салбий таъсир этади. Картошка экинини бир гектар майдонида 40-50 минг метр квадрат барг сатҳи шакллантирадиган экиш қалинлиги энг қулай ҳисобланади (Т.Э.Остонақулов, 1991).

С.Х.Нарзиева (1981) Зарафшон водийси типик ва ўтлоқ-бўз тупроқларида картошка ўртапишар навларини ёзги муддатда 90х20 ва (90+30)х20 см схемада N_{200} P_{160} K_{100} кг/га ўғит шароитида ўстиришни тавсия этади.

Картошканинг майдон бирлигидаги қулай туп қалинлиги тупроқ унумдорлиги, ўғитлаш шароитидан ташқари суғориш режимига ҳам боғлиқлиги Н.Н.Балашев, Е.В.Успенская (1949), Н.Усманбеков (1968), А.Т.Тошхўжаев (1978), Н.Н.Балашев, Е.Г.Лучинина (1978), Д.Т.Абдукаримов, А.Т.Тошхўжаев, Т.Э.Астанакулов (1978), Т.Э.Остонақулов (1997) кабилар томонидан қайд этилган.

1.4. Картошканинг биологик хусусиятлари

Картошка юмшоқ иқлим ўсимлиги. Лекин ўзининг пластиклиги (мосланувчанлиги) туфайли турли тупроқ-иқлим шароитларида ўстирилиб, муттасил мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда.

Картошка ўсимлиги ўсиш ва ривожланишида униб чиқиш, шоналаш, гуллаш, палак сарғайиш ва пишиш фазаларини ўтайди. Ўсимликнинг бутун шахсий ривожланиш жараёнини шартли равишда 3 даврга бўлиш мумкин:

1. Униб чиқишдан гуллашгача бўлган давр. Бунда асосан палак жадал ўсади, шаклланади, туганак ҳосил бўлиш эса жуда кам бўлиб бошланади.
2. Гуллашдан палак сарғайишгача бўлган давр. Бу туганакларнинг энг жадал ўсиш ва шаклланиши билан характерланади.

3. Палак сарғайишдан унинг табиий қуриши туганак пишишигача бўлган давр. Бу даврда туганак ўсиши давом этади, лекин иккинчи даврга нисбатан суст боради.

Даврларнинг давомийлиги навларнинг ўсув даврига боғлиқ бўлиб, эртапишар навларда униб чиқишдан гуллашгача 25-35 кун, ўртапишар ва кечпишар навларда эса 40-45 кун ўтади. Иккинчи гуллашдан-палак сарғайишгача бўлган давр тезпишар-ўртатезпишар навларда 25-35 кун, ўртапишар ва ўртакечпишар навларда эса 43-50 кун давом этади. Учинчи давр (палак сарғайишдан-туганак пишишгача, тезпишар навларда 20-25 кун, кечпишар навларда эса 30-35 кунда ўтади.

Энг муҳими иккинчи давр ҳисобланиб, 65-75 % туганак ҳосили шаклланади. Шунинг учун бу даврда барча тадбирлар ўсимлик ўсиш ва ривожланиши, туганак шаклланиши учун қулай шароит яратишга қаратилмоғи шарт. Шундагина ҳар суткада гектарда 2,5-3 тонна ҳосил тўпланиши мумкин. Кейинги даврларда бу кўрсаткич гектарига 0,3-1,0 тоннани ташкил этиб, кескин камаяди.

Палаклар сарғайгач, барглардан туганакларга оқиб келаётган озиқ моддалар тугайди ва ўсимлик ўсишдан тўхтаб қурийди, туганаклар эса пишиб етилади ва тиним даврига ўтади. Тиним даври сақлаш шароити ва картошка навига қараб 2,5-3, ҳатто 5 ойгача давом этади. Шундан сўнг туганаклар нишлай бошлайди.

Картошка экинининг ватани бўлган Чилининг денгиз бўйи районлари иқлими юмшоқ, салқин, сернам, тупроқлари калийга бой. Туганакларнинг шаклланиши серёғин (300 мм дан зиёд), ҳавонинг нисбий намлиги юқори (75 % дан ортиқ), суткалик ўртача ҳарорат юқори бўлмаган (10-15^{0}С) даврда ҳамда узун кун (12-15 соат) шароитида ўтади. Шунинг учун филогенез жараёнида картошка ўсимлиги паст ҳароратга, сернамликка ва куннинг узун бўлишига мослашган.

Ҳароратга муносабати. Картошка нисбатан паст ҳарорат ўсимлигидир. Туганакларнинг нишлаши ва кўкариши ҳарорат 5-6^{0}С дан юқори бўлганда бошланади. Кўкариб чиқаётган ва чиққан ўсимликларнинг тез илдиз ҳосил қилиши учун ҳарорат 7^{0}С дан пасаймаслиги лозим. Шунинг учун картошка туганаклари тупроқ 10 см қатлами 7-8^{0}С исиганда экилади. Ҳарорат 18-20^{0}С бўлганда ўсимликлар тез кўкариб чиқади.

Нишлатилмаган уруғлик туганаклар экилганда униб чиқиш экилганнинг 20-25-куни, уруғлик туганаклар нишлатилиб экилганда эса 6-11 кун олдин кўкариб чиқади. Экилгандан униб чиқишгача ҳароратнинг 10-12^{0}С гача пасайиши кўкаришни 5-6 кунга узайтиради. Картошка уруғлик туганаклари униб чиқиш учун 240-300^{0}С фойдали ҳарорат йиғиндисини талаб этади.

Ҳарорат 3^{0}С дан паст ва 35^{0}С дан юқори бўлганда туганакдаги куртакларнинг ўсиш ва ривожланиши тўхтайди. Бу ҳолатларда туганак бир неча кун қолса, унинг ўзи ва куртаклари нобуд бўлади.

Картошка палагининг ўсиш ва ривожланиши учун қулай ҳаво ҳарорати 18-23^{0}С ҳисобланади. Ҳарорат бундан ошса, фотосинтез секинлашади, 40^{0}С га етганда палак ўсиши тўхтаб, фотосинтез натижасида ҳосил бўлаётган озиқ моддалар нафас олиш учун етмайди.

Ёруғликка муносабати. Картошка ёруғсевар ўсимлик. Ёруғлик етишмаса, палакларнинг ўсиши, гуллаши, туганак пайдо бўлиши сусайиб, ҳосилдорлик жиддий камаяди. Бироқ ёз ойлари республикамизда қуёшнинг ерга кучли даражада нур сочиши (инсоляцияси) ўсимликнинг ўсиш ва ҳосил тўплашига салбий таъсир этади. Картошка бир гектар майдонида 40-50 минг квадрат метр барг сатҳи шакллантирадиган экиш қалинлиги энг қулай ҳисобланади (Т.Э.Остонақулов, 1991).

Куннинг узунлиги ҳам картошканинг ўсиш ва ривожланишига катта таъсир этади. Узун кун ўсимлик палагининг, қисқа кун эса

туганак шаклланиши ва ўсишининг жадал ўтишига олиб келади. Лекин, бу ҳолат шартли бўлиб, кўпчилик ҳозирги экиладиган навлар учун узун кун ўсимликнинг ривожланиши ва туганак ҳосил қилиши учун ҳам яхшидир.

Намга муносабати. Картошка тупроқ ва ҳаво намлигига талабчан. Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш фазаларида намга бўлган талабчанлиги турлича. Бу албатта унинг биокимёвий таркиби (70-85 % гача сув), морфологик тузилиши, кўп миқдорда биомасса ҳосил қилиши, барг сатҳини шакллантириши ва илдиз системасининг нисбатан юза жойлашиши билан боғлиқ. Картошканинг транспирация коэффициенти 630-700 га тенг.

Картошка палагининг етарли даражада ўсиши ва юқори туганак ҳосили тўплаш учун энг қулай шароит тупроқнинг намлиги дала нам сиғимига нисбатан униб чиқишдан шоналашгача 70-75, шоналашдан палак сарғайишгача 80-85, палак сарғайишдан йиғишгача 75-80 % бўлганда қайд этилади (Т.Э.Остонақулов, 1980, 1991).

Картошка қурғоқчиликка ҳам нисбатан чидамли ўсимлик. Қурғоқчилик бошланиши билан транспирация ва фотосинтез жараёни сусаяди, ўсимлик ўсиш ва туганак тугишдан тўхтайди, лекин нобуд бўлмайди. Қурғоқчилик ўтгач, картошканинг туганак тугиши ва унинг ўсиши тикланади, лекин ҳосилдорлик сезиларли равишда камаяди.

Картошка юмшоқ тупроқ экини. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда 1,25-1,35 г/см^3 бўлса, картошка ўсимлиги ўсиши, ривожланиши ва етарли товар ҳосил тўплаши учун қулай шароит яратилади (Т.Э.Остонақулов, 1991).

Картошка шўр ерларда яхши ўсмайди, айниқса хлорли шўрланиш ўсимликка ёмон таъсир кўрсатади. Академик В.И.Зуев таъкидлашича, тупроқ таркибидаги хлор 0,015-0,020 % дан ошса, ҳосилдорлик сезиларли камайиб, 0,05-0,07 % бўлса ўсимликда туганаклар деярли

ҳосил бўлмайди. Шунинг учун бундай шўрланган ерларда картошка ўстиришдан олдин тегишли мелиоратив тадбирлар ўтказилиши шарт.

Картошка экини тупроқ эритмасининг кучсиз кислотали (pH=5-6) бўлишини ҳоҳлайди. Лекин, нейтрал ва кучсиз ишқорий тупроқларда яхши ўсиб, юқори ҳосил беради.

Озиқ элементларга муносабати. Картошка тупроқдаги озиқ элементларга талабчан ўсимлик. Бу унинг биологик хусусиятлари, кўп миқдорда биомасса тўплаши ва нисбатан илдиз системасининг кучсиз ривожланганлиги билан боғлиқ. Ўртача ҳар 100 центнер (10 тонна) картошка ҳосили ўзи билан 50 кг азот, 20 кг фосфор, 90 кг калий олиб чиқади.

Озиқ элементларнинг тупроқда етишмаслиги ёки ортиқча миқдорда бўлиши ўсимликнинг вегетатив ва репродуктив органларининг нисбатига, маҳсулдорлиги, касаллик, ноқулай шароитларга, айнишга чидамлиги, ҳосилдорлик, туганак биокимёвий таркиби, сақланувчанлиги ва уруғлик сифатига ниҳоятда катта таъсир этади.

1.5. Кечки картошка етиштиришда хосилдорликга агротехник тадбирлар таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари ва уларнинг таҳлили.

Ёзда экиб, қишки ва уруғлик картошка ҳосили олишда ўрта ва ўртакечпишар навларни (Лорх, Темп, Лошицкий, Сулев, Берлихинген, Голландия навларидан Кардинал, Диамант, Дезире, Пикассо кабиларни) 1-20 июнларда, тезпишар ва ўртатезпишар навлар (Невский, Зарафшон, Огонёк, Детскосельский, Белорусский ранний, Голландия навларидан Сантэ, Марфона, Эскорд, Романо, Импала, Бинелла, Космос, Кондор сингариларни) 15 июндан 5 июлгача экиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, ўртапишар ва кечки навларнинг уруғлик туганакларини ёзги қилиб экиш яхши. Чунки, улар омборхоналарда экишгача сўлимай ва кўп нишламай сақланади (1-жадвал).

Кечки қилиб ёзда экишгача сақланган уруғлик туганаклар ҳаддан ташқари кўкариб кетади. Узун ўсимтали туганакларни экиш қийин ва бундай уруғликлар ҳосили кўпинча кам бўлади. Шунинг учун ўсимталар узунлиги 8-12 см га етганда 1-2 марта синдирилади. Охирги марта ўсимталарни синдириш экишга 10-12 кун қолганда ўтказилади. Натижада экилган туганакларнинг анча эрта ва қийғос униб чиқиши таъминланади.

Экиш учун уруғлик туганакларни шакли, ранги ва ўсимталарининг йўғонлигига қараб эътибор билан танлаш мўл ҳосил гаровидир. Уруғлик туганакларни экишга тайёрлаш вазни 30-80 граммлик туганаклар бутун, йириклари эса кесиб экилади. Кесилган ва бутун туганаклар ҳар 3-3,5 тоннаси 100 литр сувга 5-6 кг ТМТД, 2-3 грамм қаҳрабо кислотаси ва 4-5 кг аммофос аралаштирилиб, ивитилиб сўнгра экилади. Экиш дастлаб (1 - 10 июнларда) кечпишар, сўнгра (1-20 июнларда) ўртапишар ва охирги (25 июнь - 5 июль) кунлари тезпишар навлар уруғлик материаллари 10-12 сантиметр чуқурликда, ҳар гектарда 57-70 минг туп, 70 Х 20 - 25 ёки 90 Х 15 - 20 сантиметр схемаларда СН-4Б-2, СКС-4, КСН-9 маркали сажалкалар билан амалга оширилади. Бу борада Голландия «Крамер» сажалкасининг устунлигини қайд этиш ва экишда ундан фойдаланишни тавсия этамиз. Чунки, Голландия сажалкасининг картошка экиш аппаратининг асосий қисмлари юмшоқ полимер материаллардан фойдаланиб тайёрланган, бу экишда уруққа, айниқса нишига зарар етказмайди

1- жадвал. Картошка навларини ёзда турли муддатларда экилганда ҳосилдорлиги ва кўпайиш коэффициенти

Нав номи	Ҳосилдор-лик, ц/га	Шундан товар ҳосил чиқими		Экиш меъёри ц/га	Кўпайиш коэффициенти
		ц/га	%		
20 июнда экилганда					
Кардинал (ўртапишар)	283,1	279,1	98,6	33	8,5
Сантэ (ўртатезпишар)	300,6	290,0	95,5	–/–/–	8,8
5 июлда экилганда					
Кардинал (ўртапишар)	238,3	224,2	94,1	33	6,7
Сантэ (ўртатезпишар)	281,7	267,1	94,8	–/–/–	8,1
20 июлда экилганда					
Кардинал (ўртапишар)	178,0	160,6	90,2	33	4,8
Сантэ (ўртатезпишар)	196,1	182,2	92,9	–/–/–	5,5

Олиб борилган тажрибалар натижаларига кўра картошка навлари ёзда турли муддатларда экилганда ҳосилдорлиги ва кўпайиш коэффиценти қўйидагича бўлди. (1-жадвал). Бунда картошканинг кардинал ва Сантэ навлари 20 июнда экилганда гектаридан283,1 ва 300, центнер ҳосил олиниб, шундан Сантэ навида товар ҳосил чиқими 279,1 центнерни ёки 98,6 % ни ташкил қилди.Кардинал навида эса бу кўрсаткич 290,6 центнеони, умумий ҳосилнинг 95,5 % ини ташкил этди. Ушбу муддатда иккала навда ҳам экиш меъёри 3,3 тоннани ташкил қилиб кўпайиши коэффиценти 8,5 ва 8,8 борабарни ташкил этди.

Бу иккала нав 5 июлда экилганда эса ҳосилдорлик кординал навида 238,3 центнерни Сантэ навида 281, 7 центнерни, товар ҳосил чиқими 224,2 ва 267,1 центнерни умумий ҳосилган нисбатан 94,1 – 94,8 фоизни ташкил қилди. Кўпайиш коэффиценти навлар аро 6,7- 8,1 маротбага кўтарилганлиги кўзатилди.

Кардинал ва сантэ навлари кечки муддаларда кечки муддатларда яъни 20 июлда экилганда эса ҳосилдорлик кўрсаткичлари 1780 центердан 196,1 центнергани ташкил қилиб, товар ҳосил чиқими 160,6-182,2 центнерни, умумий ҳосилга нисбатан 90,2-92,9 фоизни ташкил этди. Кўпайиш коэффиценти 4,8-5,5 баробардан иборат бўлди.

Тажрибалар нтижалари шуни кўрсатдики картошка навларини кечки муддатларда (20 июн, 5 июл ва 20 июлда) экилганда энг юқори ҳосилдорлик

(283,1-300,6 ц/га), товар ҳосил чиқими (95,5-98,6 %) ва энг кўп кўпайиш коэффиценти (8,5-8,5) 20 июнда кечки қилиб экиб ўстирилганда олинди.(1-жадвал)

Кечки картошка гектарига 3,3-3,5 тонна уруғлик туганаклари экилиб, пайкалларда 14-18 кун ўтгач, ўсимликлар кўкариб чиқади. Шунинг учун майдонлар ўсимлик кўкаргунча 1-2 марта енгил (400-500 $м^3$) нормада суғорилади. Натижада ҳар бир гектарда етарли туп сони таъминланиб, сийракланиб қолишига йўл қўйилмайди. Кечки картошка ўсув даврида икки марта озиқлантирилади. Биринчи марта униб чиқиш бошланиши билан биринчи қатор орасига ишлов бериш чоғида мочевина ёки аммоний селитраси билан (200-250 кг), иккинчи озиқлантириш эса шоналаш даврида иккинчи марта қатор орасига ишлов беришда гектарига 300-350 килограмм мочевина ёки аммоний селитраси билан амалга оширилади (2-жадвал).

2-жадвал. Картошка ўртапишар навлар ҳосилдорлиги ва уруғлик туганаклар чиқимига ўғит нормаларининг таъсири

Ўғит нормаси, таъсир этувчи модда, кг/га	Лорх нави					Сулуев нави				
	Ҳосилдорлик, т/га	Шу жумладан уруғлик туганаклар чиқими		Кейинги репродукция ҳосилдорлиги, т/га	Айниган туганаклар % да	Ҳосилдорлик, т/га	Шу жумладан уруғлик туганаклар чиқими		Кейинги репродукция ҳосилдорлиги, т/га	Айниган туганаклар % да
		т/га	%				т/га	%		
Ўғитсиз	13,8	8,3	59,8	24,0	3,9	13,5	8,0	59,1	26,6	3,2
N_{100} P_{80} K_{50}	21,4	12,4	58,2	25,4	3,4	22,1	12,1	54,7	28,8	2,9
N_{150} P_{120} K_{75}	25,5	14,8	57,8	27,2	3,0	27,3	15,0	55,0	30,0	2,6
N_{200} P_{160} K_{100}	28,8	16,5	57,3	27,6	3,0	29,7	17,2	57,7	30,6	2,1
N_{250} P_{200} K_{125}	29,8	16,3	54,8	26,1	3,7	31,4	17,2	55,0	28,8	2,8
N_{300} P_{240} K_{150}	30,4	16,7	54,9	24,8	4,0	31,8	17,0	53,4	27,6	2,1
$ЭКФ_{05}$	1,2			1,5		1,5			1,5	

2-жадвалда эса Картошка ўртапишар навлари ҳосилдорлиги ва уруғлик туганаклар чиқимига ўғит нормаларининг таъсири келтирилган бўлиб, бунда Лорх ва Сулев нави ўрганилган.

Ушбу тажрибада биринчи вариант ўғитсиз, кейинги вариантлар N_{100} P_{80} K_{50}, N_{150} P_{120} K_{75}, N_{200} P_{150} K_{100}, N_{250} P_{200} K_{125}, N_{300} P_{240} K_{150}, таъсир этувчи нормада ўғит сарфланган. Ушбу фонда Лорх нави ҳосилдорлиги 13,8

тоннадан 3,45 тоннагача ўзгариб энг юқори ҳосилдорлик N_{300} P_{240} K_{150} нормада берилганда (30,4 т/га) олинди. Бунда уруғлик туганаклар чиқими 8,3 тоннадан 16,7 тоннагачани ташкил қилди.умумий ҳосилдорлик нисбатан 54,8-59,8 5 ни ташкил қилди.

Кейинги репродуцияларда ҳосилдорлик 24,0 тоннадан 27,6 тоннагача ўзгарди.. Бунда энг юқори ҳосилдорлик N_{200} P_{150} K_{100} нормада берилиб ўстирилганда олинди.

Айниган туганаклар фоизи энг кўп озиқлантирилган фонда кўзатилиб 40 % ташкил қилди.

Сулев навида эса энг юқори ҳосилдорлик N_{300} P_{240} K_{150} фонда ўғитлаганда олиниб, уруғлик туганаклар чиқими N_{200} P_{160} K_{100} фонда энг юқори 57,7 5 ни ташкил қилди. Кейинги репродукцияда эса N_{200} P_{160} K_{100} фонда ўғитлаганда 30,6 т/га ҳосил олинди, айниган туганаклар 2,1-3,2 % ни ташкил қилиб энг кўп айниган туганаклар ўғитсиз вариантда (3,2 %) кузатилди.

Демак, картошка навлар ини кечки муддатларда ҳар хил ўғит нормаларида озиқлантирилганда юқори ҳосилдорлик 30,4-28,8 тоннани, уруғлик туганаклар чиқими 57,3-57,8 % ни ташкил қилар экан. (2- жадвал)

Ёзда эски (ўтган йилги) туганаги билан экилган картошка тупроқ намлигини дала нам сиғимига нисбатан 70-80 % даражада ушлаш учун 10-12 марта (экилгандан кўкаргунча 1-2, кўкаришдан ғунчалашгача ҳам 1-2, ғунчалашдан пишишгача 6-7 марта) суғорилади. Суғориш ҳар 8-14 кунда, гектарига 500-800 $м^3$ ҳисобида берилади (3, 4- жадваллар).

3-жадвал. Кечки картошкада турли суғориш режимини ўрганиш натижалари

Суғориш режими, дала нам сиғимига нисбатан % да	Ривожланиш даврлари бўйича суғориш нормаси, м^3/га			Мавсумий суғориш нормаси, м^3/га	Суғориш схемаси
	Униб чиқиш-шоналаш	Шоналаш-гуллаш	Гуллаш-палак сарғайиш		
65-75-75	1052-1190	779-851	773-810	5839-6022	1-1-5
65-75-85	1086-1190	799-871	452-547	4723-5034	1-1-6
75-85-75	702-870	468-542	734-811	6320-6645	2-2-5
75-85-85	696-861	454-560	450-521	5751-6158	2-2-7

3- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики кечки картошка турли суғориш режимини ўрганиш натижалари келтирилган бўлиб, бунда суғориш режими дала нам сиғимига нисбатан 65-75-75, 65-75-85, 75-85-75, 75-85-85 % да ўрганилган. Бу тажрибада ривожланиш даврлари бўйича суғориш нормаси униб чиқишан шоналашгача 1- вариантда 1052-1190 м^3 / га ни иккинчи вариантда 1086-1190 м^3 / га ни, учинчи вариантда 702-870 м^3 / га ни ва 4 чи вариантда 696-861 м^3 / га ни ташкил қилиб, шоналашдан-гуллашгача эса 779-851, 799-871, 468-542, 454-560 м^3 / га сув сарфланган.гуллашдан палк сарғайишгача 773—810, 452-547, 734-811, 450-521 м^3 / га ни ёки мавсумий суғориш нормаси вариантлар бўйича 1 – вариантда 5839-6022 м^3 / га, 2 вариантда 4723-5034 м^3 / га,3- вариантда 6320-6645 м^3 / га, 4 вариантда 5751-6158 м^3 / га ни ташкил қилди. Суғориш схемалари вариантлар бўйича 1-1-5, 1-1-6, 2-2-5, 2-2-7 схемаларда амалга оширилди.

Демак, суғориш режимини ўрганишда энг кўп сув сарфи 6320-6645 75-85-75 % да яъни 3 вариантда кузатилди. Энг кам сув сарфи эса 65-75-85 % да суғорилганда аниқланди. (3-жадвал).

4-жадвал. Турли суғориш режимларининг кечки картошка ҳосилдорлиги ва биокимёвий таркибига таъсири

Суғориш режими, ДНС нисбатан, % да	Ҳосилдорлик, т/га	Шундан товар ҳосил чиқими		Туганакдаги	
		т/га	%	крахмал, %	«С» витамини, мг/%
Сулев нави					
65-75-75	19,9	18,7	93,8	15,5	9,14
65-75-85	23,0	21,9	95,3	15,4	9,51
75-75-85	24,4	23,0	94,3	15,4	9,44
75-85-85	27,3	26,0	95,3	16,3	9,27
Р (%) = 2,4 **ЭКФ$_{05}$(т/га) = 1,5**					
Лорх нави					
65-75-75	20,4	18,8	92,2	15,5	10,87
75-85-85	25,5	24,1	94,2	15,3	10,42
Р (%) = 1,9 **ЭКФ$_{05}$(т/га) = 1,3**					

Кейинги 4-жадвалда эса турли суғориш режимларининг кечкикартошка ҳосилдорлиги ва биокимёвий таркибига таъсири ўрганилган бўлиб, бунда энг юқори ҳосилдорли ДНС га нисбатан 75-75-85 % да ва ДНС га нисбатан 75-85-85 5 да суғорилганда олинди яъни Сулев навида гектарида 24,4-27,3 тонна ҳосилдорликка эришилиб шундан товар ҳосил чиқими 23-26 тоннани ёки умумий ҳосилга нисбатан 94,3- 95,3 % ни ташкил қилди.

Лорх навида эса энг юқори кўрсаткичлар ДНС га нисбатан 75-85-85 % да суғорилганда олиниб бунда ҳосилдорлик 25,5 т/гани, товар ҳосил чиқими 24,1 т/гани, ёки умумий ҳосилга нисбатан 94,2 % ни ташкил этди.

Умуман картошка навларини кечки муддатда етиштирилганда ДНС га нисбатан 75-75-85 ва 75-85-85 % да суғориш юқори ҳосилдорлик ва соғлом товар ҳосил олишни таъминлар экан. (4- жадвал)

2. Ўзбекистонда районлаштирилган ва кенг тарқалган картошка навлари

Республикамизда ўсув даври 70-90 кун бўлган Белорусский ранний, Зарафшон, Невский, Огонёк, Аринда, Баҳро – 30, Қувонч – 16/56 м, Ред Скарлет, Фреско, Эсприт, Бардошли – 3, Сантэ, Марфона, Романо, Кондор, Космос, Эскорд, Бинелла, Детскосельский, Ликария Каратоп, Каретта, Латона, Симфония каби тезпишар ва ўртатезпишар, ўсув даври 93-115 кун Сулев, Арнова, Ҳамкор – 1150, Темп, Пикассо, Кардинал, Диамант, Агрия ва бошқа ўртапишар ҳамда ўртакечпишар навлар экилади.

Кенг тарқалган районлаштирилган навларнинг морфологик белгилари ва хўжалик-биологик таърифи келтирилган.

Зарафшон нави - Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида дунё коллекция намуналаридан Вир К-5175 и К—6234 чатиштириб яратилан. 1985 йилда Ўзбекистон ҳамма жойларида районлаштирилган.

Эртапишар, тош сифати яхши (4-6 балл). Ҳосилдорлиги юқори 240-260 ц/га. Товарлиги юқори 95-98 % вирус касалликлари, юқори ҳароратга чидамли. Туганаклари тўқ сариқ, узун овалсимон, крахмал миқдори 13,6-15,8 %. Барглари йирик, тўқ яшил рангда. Интенсив жойда ҳосилдорлиги юқори бўлиб, эртаги, кечги ва икки ҳосилли экишга хос. Сақланувчанлиги яхши.

Невский нави – Шимолий - Ғарбий ҚХИТИ да дурагайлаш, якка танлаш орқали Е. А. Осипова яратган. Гул тўплами шакли ғуж, гул тожи оқ рангда, гул коса барги учи баргсимон, барглари овалсимон, туганаклари сарғиш рангда, узун овал шаклда, пўсти силлиқ, туганакдаги кўзчалари қизил. Ўсув даври 80-85 кун. 1981 йил районлаштирилган. Ўрта тезпишар, интенсив типда, ҳосилдорлиги юқори, ёзда ковлаб олинган туганаклар билан экишга яроқли. Сақланувчанлиги яхши**.**

Сантэ нави- Голландияда дурагайлаш, якка танлаш орқали И. Вектер яратган. Гул тўплами ғуж, гул тожи оқ рангда, гул коса барги учи баргсимон, барги узунроқ тухумсимон, туганаги сарғиш, шакли юмалоқ овалсимон,

пўсти силлиқ, ўсув даври 80-85 кун, 1993 йилдан бери кенг экилиб келинади.пластик, ўрта тезпишар интенсив нав. Ҳосилдорлиги юқори. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги жуда яхши.

Марфона нави- Голландия (Агрико) дурагайлаш, якка танлаш орқали И.П.Г.Кенст яратган. Гул тўплами ғуж шалда, гул тожи оқ рангда, барглари овалсимон, туганаклари сарғиш, узун овал шаклда, пўсти силлиқ. Ўсув даври 85-90 кун, 1992-1996 йил кўп экилди.Ўрта тезпишар ҳосидор.Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги яхши.

Детскосельский нави- Бутун Иттифоқ Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтида (1959 г) яратилган. Ранная роза нави ва мураккаб гибрид (F_2 солянум делиссум х Солянум андигенум) solanum demissum x Solanum andegenum чатиштириб олинган ўотатезпишар юқори ҳосилдор. Крхмаллиги ўртача фторозга чидамли. Туганаклари йирик пушти ранг, овалсимон, кўзлари кам юза жойлашган. Барглари тўқ яшил рангда.

Белорусский нави- беларуссия картошкачилик ва мева сабзавотчилик илмий тадқиқот институтида П. И. Альсмик бошчилигида Эликур ва Прискульстий ранний навлари чатиштириб яратилган. Эртатезпишар, юқори ҳосилдорлиги 200-250 ц/га в ундан юқори. Туганакларда кразмал миқдори- 12-14 %, 2-2,5 % протеин мавжуд. Рак касаллигига чидамли. Фитофтороз кучли зарарланади, вирус касалликларига чидамсиз. Туганак меваси оқ, вирус касалликларига чидамсиз. Туганак меваси оқ, барглари йирик, тўқ яшил рангда. Гуллари оқ.

Приекульский ранний- приекульский селекцион тажриба станция Латвия деҳқончилиги институти Э. И. Петерсон (1953). Кобблер ва Юбель навларини чатиштириб олинган, 58 областида районлаштирилган, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам. Ўзбекистонда ҳосилдорлиги 200-220 ц/га. Юқори ҳосилдор паст ва ўртача (11-14 %), туганаклар товарлиги яхши ўртасча (79-80 %). Ракка чидамли. Туганакларни кучсиз фитофтороз билан зарарланади.

Туганаклари оқ, юмалоқ-овалсимон. Барглари тўқ яшил, йирик. Гуллари оқ икки ҳосилли экишга мос.

Рамона нави- Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали Б. В. Дрмаиш томонида яратилган. Гул тўплами ғуж, қизил рангда, барглари овалсимон, узун-овал, туганаклари қизил, юмалоқ овал шаклда, пўсти силлиқ.туганакдаги кўзчалар сони кўп ўртача чуқурликда. Ўсув даври 80-85 кун. 1993 йилдан бери кенг экилади. Пластик,ўртатезпишар, ҳосилдорлиги юқори. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги яхши.

Кондор нави- Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали И.А. Конст яратган. Гул тўплами ғуж шаклда, қизил рангда, гул коса барги учининг шакли баргсимон, тўғри барглари овалсимон шаклда.,туганаклари қизил узун-овалсимон, пўсти силлиқ, ўсув даври 85-90 кун. 1996 йилдан бошлаб экилмоқда. Пластик,ўртатезпишар, интенсив шўрга чидамли нав.ўсув даври 85-90 кун. Ҳосилдорлиги жуда юқори. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги яхши

Пикассо -Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали Б. В. Дуоплашт яратган. Гул тўплами сочма шаклда, гул тожи ранги оқ, барглари узунчоқ овалсимон,туганаклари сарғиш, кўзи-қоши қизилсимон.туганаклари сарғиш кўзи-қоши қизил рангда узун овал, пўсти силлиқ. Ўсув даври 90-95 кун. 1996 йилдан экиш бошланди. Пластик,ўртатезпишар, интенсив шўрга чидамли нав. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги ўртача. Тупроқ намлиги 80 % дан ошса хақиқий қўтирга чалинувчан. Ўсув даври 90-105 кун.

Кардинал нави- Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали Ф.Брянда яратган. Гул тўплами ғуж шаклда, гул тожи қизил рангда, барглари узун овалсимон,туганаклари қизил рангда, узун овал шаклда, пўсти силлиқ, кўзчалари сони кўп, чуқурлиги юза жойлашган. Ўсув даври 90-105 кун. 1992 йилдан бери экилади. Пластик,ўртатезпишар нав. Ҳосилдор. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги жуда ўртача.

Диамант нави- Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали Ф.Брондс яратган. Гул тўплами ғуж шаклда, гул тожи пушти рангда, барглари овал, узун овал шаклда, туганаклари оқ , овал шаклда, пўсти силлиқ. Ўсув даври 95-105 кун. 1992 йилдан бери кўп тарқалган. Экишга мос. Сақланувчанлиги яхши.

3. Кечки картошка етиштириш технологияси.

Ер танлаш ва тайёрлаш. Кечки картошка Ўзбекистонда кузги бошоқли дон экинлари, оралиқ экинлар, эртаги сабзавотлардан бўшаган майдонларга экилади. Ерни ҳайдаш олдидан суғорилади, тупроқда намлик етарли бўлганда суғорилмасдан 25-27 см чуқурликда ҳайдалади. Экишга тайёрлашда ер чизелланади, бороналанади. Ерни ҳайдаш олдидан 20-40 т/га ярим чириган гўнг, 140-160 кг фосфор, 60-80 кг/га калий солинади. Фосфорли ўғит сифатида аммофос, гранулаланган суперфосфат, калийли ўғитдан калий тузи солинади.

Ҳайдалган бедапоя, кузги ғалла ва оралиқ экинлардан бўшаган ерларга ёзда кечки картошка экилади. Ерни тайёрлаш суғориш, чуқур ағдармай ҳайдаш, чизел ва бир йўла бороналашдан иборат.

Ўғитлаш. Кечки картошкага ерни ҳайдаш олдидан гектарига 25-30 тонна чириган гўнг. 300-350 кг аммофос ва 150-200 кг калий тузи солинади.

Нав танлаш. Ёзда экиш учун ўрта ва ўрта кеч пишар навлар Лорх Темп, Сулев, Берлихинген, Кардинал, Диамант, Пикассо, Дезире 1-20 июнда, тез пишар ва ўртапишар навлар Зарафшон, Невский, Огонек, Сантэ, Марафона, Эскорд, Космос, Кондор, Импала навлари 15 июндан 5 июлгача экилиши тавсия этилади.

Уруғларни экишга тайёрлаш. Ёзда экиш учун тайёрланган картошка уруғлари июн ёки июл ойигача кўкариб кетади. Уруғлардаги ўсимталар 10-12 см га етганда 1-2 синдирилади. Охирги синдириш уруғларни экишдан 10-12 кун олдин ўтказилади. Уруғлар экиш олдидан синчиклаб сараланади. Туганаклар йириклиги 30, 50, 80 г бўлганда кесилмасдан 80 г вазни ортиқ туганаклар кесилиб экилади. Механик таркиби енгил қумоқ тупроқларда ўрта 50-80 г ва майда (30-50 г) вазндаги туганакларни экиш маъқул. Уруғларни 3-3,5 т/га эртаги картошка етиштирилгандаги сингари эритма тайёрланиб ивитилиб кейин экилади.

Дастлаб кеч пишар навлар (1-10 июн), кейин 10-12 июлгача ўртапишар ва охирида 25 июн-5 июлда тезпишар навлар экилади, Экиш схемаси 70х20-25,

90х15-20 см экиш чуқурлиги 10-12 см қилиб СН-4Б-2, СКС-4, КСН-9, «Крамер» русуми сеялкаларда ўтказилади. Туп қалинлиги 57-71 минг/га.

Экин парвариши. Ёзда ҳарорат юқори бўлиши туфайли тупроқнинг юза қатлами тез қурийди. Шунинг учун дала олдин суғорилиб, ер етилиши билан картошка туганаклари нам тупроққа экилиши маъқул. Экилган уруғлар 12-18 кун ўтгач униб чиқади. Уруғлар униб чиққунча гектарига 400-500 $м^3$ меъёрида 1-2 суғорилади. Уруғлар униб чиқиши билан қатор оралари 70-100 кг/га азот билан озиқлантирилади. Иккинчи озиқлантириш гуллашнинг бошланиши олдидан 100-120 кг/га азот билан озиқлантирилади.

Ўсув даврида тупроқда намлик ЧДНС 75-85 % сақланишига эришиши учун 18-11 марта суғорилади. Уруғлар униб чиққунча 1-2, униб чиққандан ғунчалашгача 1-2, ғунчалашдан пишишгача 6-7 марта, гектарига 500-800 $м^3$ меъёрда, ҳар 8-14 кунда суғорилади. Пояларнинг сўлишидан ҳосилни йиғиштиришгача бўлган даврда тупроқдаги намлик ЧДНС 60-65 % ушланиши тавсия этилади. Суғоришлар ва мавсумий суғориш меъёри тупроқ-иқлим шароитига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Ўзбекистон шароитида жазирама иссиқнинг зарарли таъсирини камайтириш учун суғориш меъёри кам 350-400 $м^3$/га, аммо тез-тез суғориш яхши натижа беради.

Касаллик ва зараркунандалари. Картошка касаллик ва зараркунандалар натижасида ялпи ҳосилни 30-35 % камайтиради, бу дунё бўйича 100 млн. тоннадан кўпроқ.

Картошка фитофтороз, ҳақиқий қўтир, фузариоз, сўлиш, макроспориоз, халқали чириш, қорасон, ризактониоз билан касалланиш мумкин. Алмашиб экиш, касалликларга чидамли навларни танлаш, туганакларни саралаш, касалланган ўсимликларни юлиб даладан чиқариб ташлаш, ўстириш технологиясига риоя қилиш касалликларнинг олдини олади, камайтиради. Уруғларни бардос суюқлиги, цинеб, фундазол, витавакс суспензияси ёки эритмалари билан ишлаш касалликлар олдини олади.

Ўсув даврида, ғунчалаш фазасининг охирида купразон 80 % (2,4 кг/га), каптан 50 % (3 кг/га), 1 % бардос суюқлиги (6 кг/га), дитан М-45,80 % (1,2-1,6 кг/га) 300 л сувга аралаштирилиб ер усти пуркагичлари ёрдамида қўлланилади.

Зараркунандалардан поя наматодаси, илдиз нематодаси, бузоқбошлар, кузги тунлам, битлар, цикадо, ўргамчаккана, колорадо қўнғизи, картошкага зарар етказади. Уларга қарши агротехник ва кимёвий усулларда қарши курашилади.

Кечки картошка ҳосилини йиғиш. Ҳосил палак сарғайиб, пастки барглари қуригач, туганак пўсти қалинлашиб, столонлардан осонгина узиладиган бўлгач, октябрь охири ноябрь ойи бошларида КТН-2Б, КСТ-1,4 маркали ковлагичлар ёрдамида йиғиб олинади.

Ҳосилни механизмлар ёрдамида йиғиб олишда ернинг намлиги катта таъсир кўрсатади. Тажриба натижаларига кўра, ҳосил комбайнларда йиғиб олинадиган бўз тупроқли ерларда тупроқ намлиги 14-16 % бўлиши керак. Тупроқ намлиги бундан кам бўлса, туганаклар қуруқ кесакларга урилиб шикастланиши мумкин.

Кўпчилик ҳолларда картошка ўсиб турган палаги билан ковланади. Ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиб олишни осонлаштириш учун палак юладиган (УБД-3) ёки КИР-1,5 ротацион косилкадан фойдаланилади.

Картошка ковлангандан кейин даланинг ўзида бир неча соат давомида қуритилади ва майда-йириклигига қараб сараланади. Бунда вазни 25-30 г дан юқори бўлган йирик ва ўртача туганаклар товар маҳсулот сифатида ажратилади, майда ва шикастланган туганаклар бракка чиқарилади.

Ёғинли кунларда ковланган картошка омбор ёки усти берк бостирмаларда 2-3 кун давомида қуритилади. Агар ҳосилни йиғиш даврида қора совуқлар тушиб қолгудек бўлса, совуқ урган туганакларни аниқлаш мақсадида картошка иссиқ биноларда бир неча кунгача сақланади. Бунда совуқ урган туганакларнинг ҳамма қисми ёки айрим жойлари юмшаб, ажралиб қолади.

Сақлаш. Картошкани сақлаш давридаги нобудгарчиликнинг асосий сабаби – туганакларнинг механик шикастланиши ва касалланиши. Шунинг учун ҳосилни йиғиштириш, саралаш, ташиш, сақлашга тайёрлаш даврида туганакларнинг жароҳатланишини минимал даражага келтиришдир. Туганаклар таркибида сув миқдори 75 % ва ундан ҳам кўп бўлади. Шунинг учун улар паст ёки юқори ҳароратга жуда таъсирчан. Туганаклар йиғиштириб олингандан кейин уларда физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар содир бўлади. Кўпгина навларда ҳосил йиғиштирилгандан кейин туганакларнинг етилиш даври 20-30 кунга чўзилади. Бу даврда нафас олиш натижасида туганаклар массаси камаяди, улардан сув, карбонад ангидрид, иссиқлик ажралади.

Картошканинг нафас олиши қишга бориб камаяди, баҳорда яна кучаяди. Шикастланган туганакларда пўкак ҳосил бўлиш жараёни етарли ҳаво, ҳарорат (20 ^{0}С), ҳавонинг нисбий намлиги 85-95 % бўлган шароитда жадал кечади. Ковлаб олинган туганакларда дастлабки 10-15 кун давомида юқори ҳарорат ва намлик сақланади. Бу давр «даволаш даври» дейилади. Кейин ҳарорат секинлик билан 2-3 ^{0}С га келтирилади.

Картошка ўраларда сақланиш учун, сизот сувлар чуқур жойлашган, нишаб, қуруқ жойлар танланади. Ўралар кенглиги 0,6-0,8 м, чуқурлиги 0,7-0,9 м, узунлиги 2,5-4 м қилиб қазилади. Ўранинг усти 25-40 см қалинликда нишаб қилиб тупроқ билан ёпилади. Экишга 20-30 кун қолганда ковлаб олинади.

Картошка туганаклари омборларда сақланганда эшик-деразалар бер-китилади ва жуда қаттиқ совуқ бўлганда иситиш чора-тадбирлари кўриб қўйилади.

Уруғлик картошкани сақлашда М-1, ТБ, МКР-1 препаратларини қўллаш туганакларнинг унишини кечиктиради, вазнининг йўқолишини камайтириб, ҳосилдорликни оширади.

4. Кечки картошка етиштириш технологияси

№	Ишнинг номи	Сифат кўрсат кич лари	Агрегат таркиби		Хизматчи одамлар сони	Ўлчов бирлиги	Иш бошланиши нинг тах миний кален дар муддати
			Трактор автомобил русуми	Қ/Х машиналари			
1.	Ўтмишдош экин	Полиз, пиёз, карам сабзи ва дуккакли дон экинлари					
2.	Органик ўғит солиш	20-40 т/га	Т-40	РОУ-5	1	га	1-10. XI
3.	Минерал ўғит солиш	NH_3PO_4-140-180 кг,К-60,80 кг	Т-40	РУМ-8	1	га	1-10. XI
4.	Хайдаш	25-27 см	ДТ-75	ПМ-3-3,5	1	га	20. XI
5.	Чизил Бороналаш	8-10 см	МТЗ-80	ЧКУ-4А	1	га	1-10. V
6.	Экиш олдидан барона ва мола босиш	4-6 см	МТЗ-80	БЗТС-1,0 МВ6	1	га	1-10.V
7.	Нав танлаш	Сантэ, Рамона, Диамант					
8.	Уруғни экишга тайёрлаш	100 л сувга 5-6 кг ТМД марганец, сулфат, мис кислотаси, 4 кг аммофос, 2 кг қахрабо кислотаси, 50-100 г бор кислотаси	Қўлда	Қўлда	1	га	1-5.V
9.	Экиш	10-12 см 3-3,5 т/га	ТТЗ-80,10 МТЗ-80	КС-4 СН-45-2	1	га	10-15.V
10	Суғориш	600-800 $м^3$ /га	Қўлда		1	га	V-VI-VII
11	Қатор орасини ишлаш культивация		ТТЗ-80.10	КХО-3,6	1	га	V-VI-VII
12	Касаллик ва Зараркунандала рга қарши курашиш	Шерпа 0,2 кг/га Цимбуш 0,2 л/га, Залон 0,3 л/га 400 л сувга	ТТЗ-80.10	ОВХ-600	1	га	V-VI-VII
13	Ҳосилни йиғиш	т/га	МТЗ-80	КТН-25 КСТ-1,4	1	т	10-20. IX

5. МАМЛАКАТНИ МОДЕРИНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, КУЧЛИ ФУҚОРАЛИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов парламент қўшма мажлисини маърузасида парламент томонидан амалга оширилган, эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга икки палатали парламент фаолиятидаги айрим камчиликлар ва нуқсонлар фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳақида ҳам ўз фикр-мулохазаларини баён этди. Албатта бу олий мажлиснинг келгуси 5 йиллик фаолиятининг асосий вазифалари ва устивор йўналишлари белгилаб олинаётган бир шароитда муҳим аҳамиятга эга. Камчилик ва нуқсонлар фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳамда вазифа ва устивор йўналишлар қуйдагилардан иборат қилиб кўрсатилди:

Биринчидан, қонунчилик палатиси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий , ижтимоий-сиёсий ислоҳатларни ўз ичига олган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурларига эга эмасдигида кўринади. Бу кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга ривоя қиладиган ҳолда уларнинг қонунчилик ташаббуси хуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишга қараб қабул қилишишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

Иккинчидан, депутатлар корнусинини сусткашлиги туфайли иқтисодий, сиёсий гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳатларни амалга ошириш учун хаётий зарур бўлган қонунлар киритилмаган, ташаббус билан чиқмаганлиги. Кейинги 5 йил ичида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган холос.

Айни пайтда 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган. 160 дан зиёд лойиҳаси эса мамалакат хукумати (Вазирлар Махкамаси) томониданкритилган бўлиб, уларнинг

аксарияти Ўзбекистон Республикаси Призеденти Фармонлари ва қарорларининг ижросини мауносабати билан тақдим этилган.

Учинчидан, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилик амалдаги қонун хужжатларига қушимчалар киритишига қаратилган бўлиб, кодификациялаш тавсифлари даражада тизимлашув мазмунига эга эмас.Қабул қилинадиган қонун амалдаги қонун хўжжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга йўл қуйилган бошқа хужжатларга хавола қилиш холатлари кўп. Асосий камчиликлар шундаки қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун хўжжатларидан хаётий тдбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжудмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзини ушбу хужжатларнинг қўлланилиши сезиларли даражада қийинлаштиради. Қонунларнинг ижро этилмаслигига хуқуқий ишимиз яъни ҳар қандай хуқуқий нормаларини инкор қилишишига хуқуқини бўлган амалиётни самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Тўртинчидан, қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати хуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларидан суст фойдаланилмоқда. Қонунчилик палатаси ўтган давр фаолиятида атиги бир нечта хусусан иновавцион технологияларни ишлаб чиқишга жорий этиш, кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги ткрдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширган, бу етарли эмас, албатта.

Бешинчидан, парламент депутатларнинг ўз сайлов округидан тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади. Бундай тадбир депутатга сайловчилар ўз фаолиятларида қандай муаммоларга дуч келаётгани уларни хал этиш заруратини аниқлаш учун имкон берган бшлар эди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби” палата томонидан тўртинчи йилидагина , 2008 йилнинг май ойига келиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Олтинчидан, қуйи ва юқори палаталар амалий фаолиятининг дастлабки даврида ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар кузатилди. Бундай зиддиятлар қонунларни қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатди. Умуман, Президентимиз мамлакатимиздаги олий қонун чиқарувчи орган Олий Мажлис томонидан амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги жараённининг мустақил таркибий қисми бўлган ҳар қайси палата фаолияти таъминлаш жароаёни қийинчилик билан йўлга қуйилди деб таъкидлайди.

Сенат ва унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас. Сенат бу вакиллик органи ва унинг кшҳўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят. Туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана маҳалий кенгашларнинг ваколатли вакили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам сенаторлар ўз фаолиятида. Қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилинди. Бирнинчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб, бу қонунлар ўзлари вакл бўлган ва минтақалар манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эга.

Шунинг учун ҳам Сенат томонидан айрим қайтарилган қонун лойиҳалари моҳияти, маъно- мазмуни бўйича қуйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган бахс- мунозаралар демократик парламент ишини табиий соғлом шакли сифатида қарамоқ лозим.

Айниқса янгидан сайланган парламент сифат жиҳатдан янгича сиёсий ижтимоий шароитда фаолият юритиш аён бўлади. Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиш соҳасида мамлакатимиз олдида улкан вазифалар турибди. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни қайта жихозлаш каби ишларни изчил давом эттириш зарур.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шаротда мамлакатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, тинч ва осойишта

ҳаётини сақлаш каби вазифаларни бажариш жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига ҳам боғлиқдир. Қушни Афғонистон 30 йилдан буён давом этаётган қуролли можаранинг хавф- хатари, минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликка нисбатан таҳдиди ҳам сақланиб қолмоқда. Шу боисдан Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузасида бу ҳолатни, можорани фақат ҳарбий йул билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрни биринчи ўринга қўйди. Можорани сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида “6-2” мулоқат гуруҳини “6-3” гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифи илгари сурилган эди. Мазкур гаруҳга Афғонистонга чегарадошолти мамлакат:

Эрон Ислом Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон + АҚШ ва Россия давлатлари кирган эди. (1997-2001 йиллар). “6-2” мулоқат гуруҳини “6-3” мулоқат гуруҳига айлантириши, яъни унга НАТО ваколатхонасининг иштирокини таъминлаш масаласини 2008 йилнинг 3 апрелида Бухарестда НАТО СТАН (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши) 15-16 июнида Екатеринбург шаҳрида ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашларида бир неча бор. Президентимиз томонидан кўтарилган эди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча Афғонистонда кескинлик кучайиб бораётганлигини юртбошимиз яна бир бор таъкидлаб ўтди. Дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб амалий хулосаларга келмоқда.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон ҳам ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан 2010 йилда Ўзбекистон Афғонистонга етказиб бораётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан олти баробар оширилди. Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва матахасислари томонидан “Термиз- Хайратон-

Мозори Шариф” темир йўлини қуриш ишлари бошланиб, у йил охирига қадар якунига етказилди.

Президентимиз умуман парламентнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида маъсулиятли катта эканлигига диққатни қаратди. Президент Ислом Каримов яна бир бор парламентимизда юксак ташаббускорликни қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса авволо улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларни нухта ва виждонли талаб даражасида адо этилишига асосий эътиборни қаратди. Қонунчилик палатасида ҳам Сенатда ҳам олдимизда турган ишларнинг амалий дастурини тайёрлаш жараёнида ана шу вазифаларнинг барчаси ҳисобга олинишини охиригача нухта ишлаб чиқилишига ишонч билдирди. Шунингдек юртбошимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида туришига асосий диққат қаратилди.

Агар биз иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий- сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз,мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз. Бунда : 1) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига риоя қилган ҳолда парламент ҳокимиятнинг ролини кўчайтириш керак: 2) кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, сиёсий партиялар фаоллигини кескин ошириш, улар ўртасидаги рақобат асосидаги курашни кучайтириш лозим. Ҳар бир партия парламентда ғоя ва дастурлар бирлашувини йўлга қўйиш даркор.Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фраксияларўртасидги рақобат қанчалик кучли бўлса, партиянинг ғоялари дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилади. Бу эжараён қабул қилинадиган вонунларнинг сифатини оширади.

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари- Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа қабул қилинган қонунларни ижро этувчи

хокимят, яъни хукумат томонидан марказда хокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устида қатъий парламент назоратини депутатлик назоратьини ўрнатишдан иборат. Бунда 1) Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси давлат дастурлари бажарилиши юзасидан ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам муҳокама қилинади: 2) Парламент бундай ҳисоботларни эшитиш яъни танишув хусусиятига эга: 3) кўрилаётган масала бўйича комиссия позицияси аниқ белгилаб олинмаган, пухта ишлаб чиқилган дастур ва ҳужжатлар қабул қилинмаган: 4) қонун чиқарувчи хокимят назорат ваколатларини амалга ошириш қонунда кўзда тутилган хуқуқий норма ва механизмлардан марказ ва жойларда кенг фойдаланиш чораларини кўриш керак: 5) давлат раҳбарлари ўзига ишониб топширилган қонун ҳужжатлари ижросинит таъмин этишлари даркор: 6) ижро хокимияти қонунларнинг қандай бажарилиши бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш зарур: 7) парламент назоратини амалга оширишда давлат тузилмаларнинг иқтисодий соҳага асоссиз аралашувини камайтириш керак. Парламентназаротининг парламент сўрови, парламент хисоботини эшитиш каби шаклларидан кенг фойдаланиш лозим: 8) бу вазифаларнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик барча бўғиндаги давлат хокимияти идоралари раҳбарлари ва прокуратура зиммасига юклатилиши лозим: 9) парламент назоратини кучайтиришда оммавий ахборот воситалари кенг жамоатчилик иштирокини таъминламоқ зарур.

Парламентнинг мамлакатимизда кучлифуқоралик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислоҳатлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур. Бунда: 1) фуқораларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қуядиган “Кучли давлатдан кучли фуқоралик жамияти сари ” дастурини амалга оширишни фаоллаштириш даркор: 2) фуқоралик жамияти институтларнинг ривожлантиришни талаб этади: 3) сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи хокимят идораларини шакллантиришда фаол таъсирини кучайтиришда ташкилий-хуқуқий шарт-шароитлардан тўла

фойдаланиш даркор: 4) маҳаллий кенгашлардаги партиялар гуруҳлари фаолиятини ва унинг таъсирини ошириш лозим: 5) қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлган фуқоралик жамияти институтлари нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий базасини ривожлантириш керак. Бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам, тузилмалар манфаатини химоя қилиш тизимида муносиб ўринга эга бўлсин.

Бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат, нотижорат ташкилотни бирлаштириган Ўзбекистон Экологик харакатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва маъсулиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни бажариш қуйидагиларни тақоза этади: 1) атроф – муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантириш: 2) марказ ва жойларда давлат хокимияти идоралари шу соҳага оид қабул қилинган хужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш: 3) Ўзбекистон Экологик харакати юксак депутатлик манбаридан туриб, атроф- муҳитнинг янада самариларок муҳофаза қилиш: 4) аҳолини экологик хавф ҳамда тажавузлардан химоялаш улкан имкониятларни қўлга киритиш.

Фуқоралик жамияти институтлари жумладан фуқораларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги хуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устивор йўналишга айланиши зарур. Бу устивор йўналишда самарали натижаларга эришиш қуйидаги вазифаларини амалга ошириш лозим: 1)маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамиятини янада ошириш: 2) ёшлар маънавий - ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият эритишини таъминлаш жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашни кучайтириш: 3) маҳалла фаолиятининг хуқуқий базасини такомиллаштириш унинг самарали фаолият юритиш механизми ва ваколатларини кенгайтириш: 4) маҳаллаларда аҳолини ижтимоий-қўллаб қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий

бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб янги босқичга кўтариш: 5) бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалла вазифаларини кенгайтириш: 6) давлат ижтимоий дастурларини хаётга тадбиқ этишда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг ўзини-ўзи бошқариш идоралари билан мустахкам хамкорлигини таъминлаш: 7) оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқоралар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслахатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш:

Бугунги хаётнинг олдимизга фуқоралик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларнинг ўрни ва ролини янада мустҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш нодавлат матбуот нашрлари, радио телевидения фаолиятини жонлантириш уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳатлар сиёсатини очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга кучли фуқоралик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор. Бунда 1) миллий матбуотимизнинг сифати.

6. ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» КИТОБИ ВА УНДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР.

Бугунги куннининг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат.

Аввало, жаҳон молиявий инқирози ҳақида.

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам заҳиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз.

Шу борада 2006 йилда ташкил этилган «Микрокредитбанк» нинг фаолияти хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Мамлакатимиз ҳудудларида 78 та филиали ва 270 дан зиёд минибанки фаолият кўрсатаётган мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини кредитлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

2007–2008 йиллар давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган хорижий ва ички инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми камида 25 фоизини ташкил этади.

Табиийки, юқорида келтирилган мисол ва рақамлардан тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қатъий, ҳар томонлама ўйланган кенг кўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда.

Албатта, мамлакатимизда бундай чора-тадбирлар татбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни теран ҳис қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди: қурилиш – 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми – 10,2 фоиз, савдо соҳаси – 7,2 фоиз ўсди. Қишлоқ хўжалигида 4,5 фоиз ўсишга эришилиб, 3 миллион 410 минг тонна пахта хом-ашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиштирилди.

2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

2009 йилни олдиган бўлсак, ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида – ва шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда ҳам – 1,4 баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7 – 9 фоиз даражасида сақлаб туриш мўлжалланмоқда.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётган эътиборга сазовордир. 2008 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди. Жаҳон инқирози давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.

2008 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди.

Дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини тугатиш негизида ташкил этилган хусусий фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди.

Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008

йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилади.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз – ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009 – 2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдир.

Юқорида зикр этилган вазифаларни инобатга олган ҳолда, 2009 йилги иқтисодий дастуримизнинг иккинчи энг муҳим устувор йўналиши – бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттиришдир.

Маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш – бу ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис-техник ходимларининг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи керак.

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа – қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

7. Хаёт фаолияти хафсизлиги тадбирлари.

Атмосфера мухитининг ифлосланишида кишиларнинг хўжалик фаолияти туфайли вужудга келган хар хил кимёвий моддаларнинг роли катта.

Хозирда саноат корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш камбинаторларининг ана шундай чиқиндиларнинг миқдори жуда хам кўпди. Атроф мухитни ифлослантирувчи асосий манбалардан бири захарли химикатлардир .Захарли кимёвий препаратлар умумий холда пестидцидлар деб юритилади. Пестидцидлар соғлиқни сақлашда ва айниқса қишлоқ хўжалигида кўплаб ишлатиламоқда.

Захарли химикатлар бир неча, турга бўлинади : Чунончи, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожлача нишга таъсири кимёвий моддалар – регуляторларда, баргини тукувчи препаратлар дефолиянтлар : шунингдек хашоратлар ва кемирувчиларни қирувчи препаратлар уларни жалб этувчи хашоратларни ва бошқаларни стеризицалайдиган препаратлар ва хокозо.

Ўсимликларни ўсишини тартибга солувчи пестийидлардан самарали ва илмий асосда фойдаланилса, хосилдорлик 10 % дан -80 % гача ошади. Айниқса , улар донли ва айрим полиз, хамда мевали экинлари учун жуда ката фойда беради .

Пестицидларнинг ишлата верилиши оқибатида захарга чидамли зараркунандалар кўпайиб, уларнинг табий кушандалари ва хашоратлари эса қирилиб кетмоқда. Хозирги вақтда 150 кг /га яқин хашорат турлари захарли химикатларга мослашиб олган. Уларнинг ярми қишлоқ хўжалиги зараркунандаларни,камонлари эса касал тарқатувчилардир.

Қишлоқ хўжалигида ва айниқса халқ хўжалигида зараркунандаларга қарши курашда захарли химикатларни қўллаш методидан воз кечиб бўлмайди. Чунки, бу метод оркали кўпгина қўшимча махсулотлар олинаётганлиги маълум. Аммо захарли химикатлар фойда келтирш билан бирга ката зарар хам келтиради.

Бндай перепаратларнинг хоссасини,унинг тахсиллик даражасини парчаланиш муддатини, жойиниг ланд шафт хусусиятларини тўғри билиш керак.

Атроф-мухитни ифлосланишига олиб келмайдиган,кичик организимига хафли бўлган фосфирли органик пестицидлар (фосфорорганик); корбофос,рогерметофос ва бошқалар қишлоқ хўжалигида қўлланилиб келинмоқда.

Фойдали ҳайвонлар ва ўсимлик организимларга зцён йетказмаслик,ҳамда ўсимликларниг хосилдорлигини ошириш географик мухити ифлослантирмаслик учун зараркунандалрга қарши кураш чораларидан бири ўсимлик уруғларни экишдан олдин пестицидлар билан қайта ишлашдир.Бундан ташқари зараркунанда организимларнинг эркакларини нур тасирида стерилизацияланган орқали уларнинг кўпайишига чек қўйилмоқда.Назарий хисоблашларга кўра, бу усул натижасида туртинчи авлоддан кейин хашорат популияцияси йўқолиши мумкун

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Кардинал ва Сантэ навлари кечки муддаларда кечки муддатларда яъни 20 июлда экилганда эса ҳосилдорлик кўрсаткичлари 1780 центердан 196,1 центнергани ташкил қилиб, товар ҳосил чиқими 160,6-182,2 центнерни, умумий ҳосилга нисбатан 90,2-92,9 фоизни ташкил этди. Кўпайиш коэффиценти 4,8-5,5 баробардан иборат бўлди.

Тажрибалар нтижалари шуни кўрсатдики картошка навларини кечки муддатларда (20 июн, 5 июл ва 20 июлда) экилганда энг юқори ҳосилдорлик (283,1-300,6 ц/га), товар ҳосил чиқими (95,5-98,6 %) ва энг кўп кўпайиш коэффиценти (8,5-8,5) 20 июнда кечки қилиб экиб ўстирилганда олинди.

Демак, картошка навларини кечки муддатларда ҳар хил ўғит нормаларида озиқлантирилганда юқори ҳосилдорлик 30,4-28,8 тоннани, уруғлик туганаклар чиқими 57,3-57,8 % ни ташкил қилар экан.

Бу тажрибада ривожланиш даврлари бўйича суғориш нормаси униб чиқишан шоналашгача 1- вариантда 1052-1190 $м^3$ / га ни иккинчи вариантда 1086-1190 $м^3$ / га ни, учинчи вариантда 702-870 $м^3$ / га ни ва 4 чи вариантда 696-861 $м^3$ / га ни ташкил қилиб, шоналашдан-гуллашгача эса 779-851, 799-871, 468-542, 454-560 $м^3$ / га сув сарфланган.гуллашдан палк сарғайишгача 773—810, 452-547, 734-811, 450-521 $м^3$ / га ни ёки мавсумий суғориш нормаси вариантлар бўйича 1 – вариантда 5839-6022 $м^3$ / га, 2 вариантда 4723-5034 $м^3$ / га,3- вариантда 6320-6645 $м^3$ / га, 4 вариантда 5751-6158 $м^3$ / га ни ташкил қилди. Суғориш схемалари вариантлар бўйича 1-1-5, 1-1-6, 2-2-5, 2-2-7 схемаларда амалга оширилди.

Демак, суғориш режимини ўрганишда энг кўп сув сарфи 6320-6645 75-85-75 % да яъни 3 вариантда кузатилди. Энг кам сув сарфи эса 65-75-85 % да суғорилганда аниқланди.

Турли суғориш режимларининг кечкикартошка ҳосилдорлиги ва биокимёвий таркибига таъсири ўрганилган бўлиб, бунда энг юқори ҳосилдорли ДНС га нисбатан 75-75-85 % да ва ДНС га нисбатан 75-85-85 5 да суғорилганда олинди яъни Сулев навида гектарида 24,4-27,3 тонна

ҳосилдорликка эришилиб шундан товар ҳосил чиқими 23-26 тоннани ёки умумий ҳосилга нисбатан 94,3- 95,3 % ни ташкил қилди.

Лорх навида эса энг юқори кўрсаткичлар ДНС га нисбатан 75-85-85 % да суғорилганда олиниб бунда ҳосилдорлик 25,5 т/гани, товар ҳосил чиқими 24,1 т/гани, ёки умумий ҳосилга нисбатан 94,2 % ни ташкил этди.

Умуман картошка навларини кечки муддатда етиштирилганда ДНС га нисбатан 75-75-85 ва 75-85-85 % да суғориш юқори ҳосилдорлик ва соғлом товар ҳосил олишни таъминлар экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 40 бет.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, «Ўзбекистон», 2009, 56 бет.
3. Абдукаримов Д.Т., Остонақулов Т.Э., Азимов Б.Б., Эргашев П., Ортиқов М., Тугалов Ғ., Ҳамзаев А. Голландия картошка навларини ўстириш технологиясини такомиллаштиришга оид тавсиялар. Т., 1998, 23 бет.
4. Абдукаримов Д.Т. Ранний картофель. Т., 1987. 103 стр.
5. Балашев Н.Н. Культуры картофеля в Узбекистане. Т., 1953, стр.103-120.
6. Балашев Н.Н. Выращивание картофеля и овощей в условиях орошения. М., Колос, 1976, стр.3-192.
7. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М.,Колос .1979, стр. 271-294.
8. Зуев В.И., Қодирхўжаев О., Бўриев Ҳ.И., Азимов Б.Б. Картошкачилик. Т., 2005. 336 бет.
9. Зуев В.И. ва бошқалар. Сабзавотчиликдан амалий машғулотлар. Т., 1973, 109-133 бетлар.
10. Зыкин А.Г. Картофель. Л., 2000, стр.103.
11. Нуритдинов А.И., Боқиев А.А. Сабзавоткорлар китоби. Т., Меҳнат, 1988, 192 бет.
12. Остонақулов Т.Э., Эргашев И.Т., Бердиев И. Голландия технологиясини такомиллаштириш - шароит талаби. СамҚХИ. 52-илмий конф. материаллари. Самарқанд, 1994. 6 бет.
13. Остонақулов Т.Э. Сабзавот экинлари биологияси ва ўстириш технологияси. Т., 1997. 303 бет.
14. Остонақулов Т.Э. Сабзавотлар етиштириш технологияси. Т., Шарқ, 2003. 394 бет.
15. Остонақулов Т.Э., Қодирхўжаев О., Нарзиева С.Х., Холмирзаев Б., Комилова М., Хамдамова Э. Мева-сабзавотчилик ва полизчиликдан амалий машғулотлар. Самарқанд, 2004. 263 бет.
16. Остонақулов Т.Э., Ҳамзаев А.Х. Ўзбекистонда картошкачиликнинг илмий асослари. – Тошкент, Фан, 2008. – 443 б.
17. Остонақулов Т.Э. Сабзавот экинлар биологияси ва ўстириш технологияси. Тошкент, 2008, 436 бет.
18. Писарев Б.А. Картофель. М., 1988.105 стр.
19. Писарев Б.А. Особенности агротехники раннего картофеля. Картофель и овощи., 1985, 2, стр.13-15.
20. Расулов. И.А., Аббосов А.М. Картошкадан юқори ҳосил етиштириш бўйича тавсиянома. Т., 2006, 26 бет.
21. Фонина О.Я. Новая технология воздылевания картофеля. Изд-во. Узбекистан. Т., 1972. 32 стр.

22. Фонина О.Я., Эсанов И.Э. Состояния и перспективы картофеловодства в Узбекистане (обзор за 1964-1985 гг) Т., 1986, стр.33.
23. Эдельштейн В.И. Овощеводство, М., 1962, стр.3-405.
24. Эсанов И., Тошхўжаев А.Т. Картошка етиштиришнинг интенсив технологияси. Т., Меҳнат, 1988, 128 бет.
25. Эсанов И., Крайнева Э.В. Состояние и перспективы картофелеводства в Узбекистане. (обзор). Т., 1986. 33 стр.
26. Ягодин Б.А. Практикум по агрохимии. Москва во . Агропромиздат. 1978, стр.122-305.
27. Веб сайтлар: www.ziyonet.uz, www.kartofel.org, www.agronet.ru

ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ

06.06.2009

КЕЧКИ КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Ер танлаш ва тайёрлаш

Ҳайдалган бедапоя, кузги ғалла ва оралиқ экинлардан бўшаган ерларга ёзда кечки картошка экилади. У ерлар экинлар қолдиқларидан тозаланади, суғорилади ва у етилган вақтда тўлиқ ағдариб ҳайдалади, борона солинади.

Кечки картошкага ерни ҳайдаш олдидан гектарига 25-30 тонна чириган гўнг, 300-350 кг аммофос ва 150-200 кг калий тузи солинади.

Картошка экиладиган ерга ишлов бериш картошка экилгунича тупроқни майда донадор структурали, ғовак, ҳайдалма қатлами зичлашмаслигини ва ҳайдалма қатламдан ва уни остидаги қатламига картошка илдизларини эркин к

ириб боришини таъминлаши керак.

Нав танлаш

Ёзда экиб, қишки ва уруғлик картошкага ҳосил олишда ўрта ва ўртакечпишар навларни (Кардинал, Агрия, Диамант, Пикассо) 1-25 июнларда, тезпишар ва ўртатезпишар навлар (Сантэ, Марфона, Бинелла, Романо, Кондор) 25 июндан 10 июлгача экиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, ўртапишар ва ўртакечпишар навларнинг уруғлик туганакларини ёзги қилиб экилса, улар омборхоналарда экишгача сўлимай, ортиқча нишламай сақланади. Умуман Голландиянинг ўртатезпишар ва ўртапишар навларини июн охири ва июл ойи бошида экиш қулай муддат ҳисобланиб, ҳосил тўплашнинг барвақт бошланиб, юқори ҳосил олишга имкон яратади.

Ўсимталарни синдириш

Кечки қилиб ёзда экишгача сақланган уруғлик туганаклар ҳаддан ташқари кўкариб кетади. Узун ўсимтали туганакларни экиш ноқулай ҳамда бундай уруғликлар экилганда ҳосил кам бўлади. Шунинг учун ўсимталар 8-12 см га етганда 1-2 марта синдирилади. Охирги марта ўсимталарни синдириш экишга 10-12 кун қолганда ўтказилади. Натижада экилган туганакларнинг анча эрта ва қийғос униб чиқиши таъминланади.

Картошканинг энг сифатли уруғи туганаклар баҳор, ёз мавсумида ҳарорати +3-5 градусли ва ҳаво намлиги 85 фоиздан 95 фоизгача бўлган сунъий совутиладиган омборхоналарда сақлашдан иборатдир.

Уруғни экишга тайёрлаш, экиш ва парваришлаш.

Ёзда 30-80 граммлик туганаклар бутун, йириклари эса кесиб экилади. Кесилган туганаклар ҳар 3,0-3,5 тоннаси 100 литр сувга 5-6 кг ТМТД, 2-3 г қаҳрабо кислотаси ва 4-5 кг аммофос аралаштирилиб, ивтилиб, ер совуганда куннинг салқин пайтида экилади.

Экиш дастлаб (1-10 июн) кечпишар, сўнгра (10-25 июн) ўртапишар ва охири (15 июн-10 июл) эртапишар навлар 10-12 см чуқурликка, ҳар гектар майдонга 55-70 минг туп, 70х20-25 ёки 90х15-20 см схемаларда СН-4БЮ-2, СКС-4, КСН – 9 сеялкаларида амалга оширилади. Бу борада Голландиянинг "Крамер" сеялкалари - барча кўрсаткичлари бўйича устунликка эга. Экилган картошка туганаклари 14-18 кун ўтгач кўкариб чиқади. Шунинг учун майдонлар 1-2 марта енгил (400-500 куб метр) суғорилади. Далада тўлиқ кўчатлар ҳосил қилиш учун тунда суғоришни ташкил қилиб, тупроқни совутиш мақсадга мувофиқдир.

Картошка кўчатлари ҳосил қилингач кулртивация ва чопиқ ишлари эртаги картошка парваришида кўрсатилган тарзда амалга оширилади.

Ўғитлаш

Кечки картошка ўсув даврида икки марта озиқлантирилади. Биринчи марта униб чиқиш бошланганда қатор орасига ишлов бериш билан бирга мочевина ёки аммоний селитраси (200-250 кг/га) берилади. Иккинчи озиқлантириш картошканинг шоналаш даврида гектарига 300-350 кг мочевина ёки аммоний селитраси билан амалга оширилади.

Суғориш

Ёз давомида тупроқ намлигини дала нам сиғимига нисбатан 70-80 фоиз даражасида ушлаш учун 10-12 марта (кўкаргунча 1-2, кўкаришдан ғунчалашгача ҳам 1-2 , ғунчалашдан пишишгача 6-7 марта) суғорилади. Суғориш ҳар 8-10 кунда, гектарига 500-800 куб метр ҳисобида берилади.

Касаллик ва зараркунандалар

Картошканинг замбуруғ ва бактериал касалликларидан фузариоз сўлиш, макроспориоз, халқали сўлиш, ҳақиқий қўтир (парша), қорасон, ризоктониоз, тоғли жойларда қисман фитофтора тарқалган.

Кураш чоралари: алмашлаб экиш, чидамли навларнинг уруғлик туганакларини экиш ва экишолди саралаш, касалланган ўсимликларни даладан юлиб чиқариб ташлаш, парваришлашни юқори савияда ташкил қилиш.

Кимёвий усулда турли самарали препаратлардан (бордос суюқлиги, цениб, фундазол кабилар) қўлланилади.

Ҳақиқий қўтир (парша)га қарши уруғлик туганакларни экишдан олдин 5 фоизли ТМТД суспензияси билан ишланади.

Зараркунандалардан симқуртлар, сохта симқуртлар, бузоқбошлар поя ва картошка нематодаси, кузги тунлам, битлар, ўргимчаккана, цикада ва колорадо қўнғизи учрайди.

Кураш чоралари: симқурт, бузоқбош ва кузги тунламларга қарши алмашлаб экиш, ерни чуқур шудгорлаш, яхоб суви бериш, ерни экишга сифатли тайёрлаш, сифатли уруғликлар тайёрлаш, бегона ўтларни йўқотиш, ўсув даврида тупроқни юмшоқ сақлаш, парваришлашни юксак даражада ўтказиш, кимёвий препаратлар (каратэ, суми-алғфа, нурел, арриво, сумицидин, децис, олтингугурт) дан фойдаланишдан иборат.Колорадо қўнғизига қарши курашиш эртаги картошка етиштириш бўйича берилган тавсияларда баён қилинган.

Картошка ҳосилини йиғиб олиш

Картошка ҳосили палак сарғайиб, туганак пўсти қалинлашгач, октябр ойи охирида КТН 2, КСТ -1,4 кавлагичлар ёрдамида йиғиб олинади.

Картошка туганакларининг имкон даражасида камроқ шикастланишига ҳаракат қилиш талаб қилинади. Чунки шикастланмаган картошка қиш ва баҳорда яхши сақланади. Картошкани кузнинг қуёшли кунларида териб олиш керак. Чунки кески картошка туганакларини 3-4 соат давомида тоблаш замбуруғ ва бактерия споларининг қуёш нури таъсирида ҳалок бўлишига олиб келади.

А. МАҲМУДОВ, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ИИЧМ Фарғона вилоят бўлими раҳбари

Ёзги муддатда картошка етиштириш

Ўғитлаш

Кечки картошка ўсув даврида икки марта озиқлантирилади.

Биринчи марта униб чиқиш бошланганда қатор орасига ишлов бериш билан бирга мочевина ёки аммоний селитраси (200-250 кг/га) берилади.

Иккинчи озиқлантириш картошканинг шоналаш даврида гектарига 300-350 кг мочевина ёки аммоний селитраси

билан амалга оширилади.

Суғориш

Ёз давомида тупроқ намлигини дала нам сиғимига нисбатан 70-80 фоиз даражасида ушлаш учун 10-12 марта (кўкаргунча 1-2, кўкаришдан ғунчалашгача ҳам 1-2, ғунчалашдан пишишгача 6-7 марта) суғорилади. Суғориш ҳар 8-10 кунда, гектарига 500-800 куб метр ҳисобида берилади.

Касаллик ва

зараркунандалар

Картошканинг замбуруғ ва бактериал касалликларидан фузариоз сўлиш, макроспориоз, халқали сўлиш, ҳақиқий қўтир (парша), қорасон, ризоктониоз, тоғли жойларда қисман фитофтора тарқалган.

Кураш чоралари: алмашлаб экиш, чидамли навларнинг уруғлик туганакларини экиш ва экишолди саралаш, касалланган ўсимликларни даладан юлиб чиқариб ташлаш, парваришлашни юқори савияда ташкил қилиш.

Кимёвий усулда турли самарали препаратлардан (бордос суюқлиги, цинеб, фундазол кабилар) қўлланилади.

Ҳақиқий қўтир (парша)га қарши уруғлик туганакларни экишдан

олдин 5 фоизли ТМТД суспензияси билан ишланади.

Зараркунандалардан симқуртлар, сохта симқуртлар, бузоқбошлар поя ва картошка нематодаси, кузги тунлам, битлар, ўргимчаккана, цикада ва колорадо қўнғизи учрайди.

Кураш чоралари: симқурт,

бузоқбош ва кузги тунламларга қарши алмашлаб экиш, ерни чуқур шудгорлаш, яхоб суви бериш, ерни экишга сифатли тайёрлаш, сифатли уруғликлар тайёрлаш, бегона ўтларни йўқотиш, ўсув даврида тупроқни юмшоқ сақлаш, парваришлашни юксак даражада ўтказиш, кимёвий препаратлар (каратэ, суми-алрфа, нурел, арриво, сумицидин, децис, олтингугурт) дан фойдаланишдан иборат.

Ҳосилини

йиғиб олиш

Картошка ҳосили палак сарғайиб, туганак пўсти қалинлашгач, октябр ойи охирида КТН 2, КСТ-1,4 кавлагичлар ёрдамида йиғиб олинади.

Картошка туганакларининг имкон даражасида камроқ шикастланишига ҳаракат қилиш талаб қилинади. Чунки шикастланмаган картошка қиш ва баҳорда яхши сақланади. Картошкани кузнинг қуёшли кунларида териб олиш керак. Чунки кечки картошка туганакларини 3-4 соат давомида тоблаш замбуруғ ва бактерия спораларининг қуёш нури таъсирида ҳалок бўлишига олиб келади.

А.МАҲМУДОВ

Картошкачилик истиқболлари - Бўлимга қайтиш

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аграр соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимизни юртимизда етиштирилган сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, картошка билан тўлиқ таъминлаш имконини бермоқда. Ваҳоланки, собиқ тузум даврида маҳаллий шароитда экилган картошка аҳоли эҳтиёжининг бор-йўғи 30 фоизини қопларди, холос.

Ўша пайтларда бундай маҳсулотлар асосан Россия ва Болтиқбўйи республикаларидан кеч кузда темир йўл вагонларида келтирилгани учун катта қисми музлаб, яроқсиз ҳолга келиб қоларди. Истиқлол йилларида бу маҳсулотни етиштиришга алоҳида эътибор берилиши натижасида картошкачилик ривожи янги босқичга кўтарилди. Бугун жамики эҳтиёж тўлиқ она заминимизда етиштирилган картошка ҳосили ҳисобидан қопланмоқда. Юртимизда картошканинг янги ҳосилдор навларини яратиш, деҳқонларни сифатли уруғлик билан таъминлаш йўлидаги изчил изланишлар ўз самарасини бермоқда. Хориждан “Санта”, “Кондор”, “Романа” каби навлар уруғлари келтирилиб, маҳаллийлаштирилди. Шунингдек, селекционер олимларимиз томонидан яратилган “Тўйимли”, “Акраб”, “Умид” “Диёра” навлари хосилдорлиги ва мазаси билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Агар 1990 йили аҳоли эҳтиёжи учун 300 минг тонна картошка юртимизда етиштирилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1,5 миллион тоннадан ошади. Картошка ҳосилдорликнинг ошиши туфайли кўпаймоқда. Мисол учун, мустақилликнинг илк йиллари ҳар гектар ердан ўртача 85 центнердан ҳосил олинган бўлса, ҳозир бу рақам 240-250 центнерга етмоқда.

– Олимларимиз картошканинг касалликка чидамли, иқлим шароитимизга мос, серҳосил, эртапишар навларини яратиш ва истиқболли агротехника қоидаларини ишлаб чиқиш устида қизғин иш олиб бормоқда, – дейди Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Рафиқ Ҳакимов. – Иссиққа, шўрга, ҳароратнинг кескин ўзгаришларига чидамли навларни яратиш борасидаги изланишлар самарасида жорий йилда картошканинг янги “Пском”, “Серҳосил”, “Сарнав”, “Кўксарой” навлари яратилиб, давлат синовига топширилди.

Мўл ҳосил етиштириш олинган уруғнинг сифатига ва деҳқон маҳоратига боғлиқ. Шу боис энди юртимизда яратилган маҳаллий навлардан супер элита уруғлар кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

– 2009 йили маҳаллий “Умид-2” навини экиб, ҳар гектар ердан 400 центнердан ҳосил олган эдик, – дейди Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Ёрдамчи” фермер хўжалиги раҳбари Раҳматилла Йўлчиев. – Олинган уруғлик қанчалик ишончли, сифатли бўлса, меҳнатингиз шу даражада ўзини оқлайди. Шу боис жорий йилда экиш учун маҳаллий картошканинг супер элита уруғидан 15 тонна харид қилдик. Ундан келгуси йил учун уруғлик етиштирмоқчимиз.

Картошка нисбатан салқин ва қумлоқ ерларни ёқтиради. Шу боис у қўпроқ Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларининг тоғолди ҳудудларида яхши ҳосил беради. Ҳозир келгуси йил ҳосили учун уруғлик картошка етиштирилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда 30 минг гектардан ортиқ майдонда кечки картошка экилиши кўзда тутилган. Айни вақтда юртимизда кузги картошка экиш тадбирлари якунланди. Бунинг учун деҳқонларимизга 80 минг тонна маҳаллий уруғлик картошка етказиб берилди. Шунингдек, кечки картошка ҳосилдорлигини янада ошириш, навларни янгилаш ҳамда сифатли уруғлик тайёрлаш мақсадида, Голландиядан 10 минг тонна супер элита уруғ келтирилди.

Ҳа, бугун мамлакатимизда картошка муаммоси йўқ. Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига қарийб 2 миллион тонна картошка етиштирилиши кутилмоқда. Бошқача айтганда, аҳолини сифатли картошка билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил тадбирлар ва доимий эътибор самарасида бозорларимизда бу маҳсулотнинг мўл-кўллиги ва арзонлиги таъминланмоқда.

ЎзА, Сайёра Шоева, 10.08.2010

Выращивание позднего картофеля

24 апреля 2011 → Раздел: Овощные культуры



Участок готовят и удобряют, как и под ранний картофель. Клубни среднеспелых и среднепоздних сортов иногда проращивают не только для того, чтобы ускорить поступление урожая, но главным образом для выявления и отбраковки больных. Здоровые клубни чаще прогревают перед посадкой в помещении или на воздухе, оберегая в дневные часы от ярких солнечных лучей, а ночью от возможных заморозков. На проращивание клубни закладывают с середины апреля.

Для повышения устойчивости растений картофеля к различным болезням и особенно к фитофторозу за период проращивания или прогревания клубни 3—4 раза опрыскивают раствором медного купороса (2 г) или борной кислоты (50 г), или марганцово-кислого калия (10 г) на 10 л воды. Сажают клубни с 10—15 мая (70×35 см); сажать позднее 25 мая не рекомендуется. Глубина посадки зависит от почвы и крупности посадочного материала. На тяжелых, холодных почвах клубни на ровной поверхности сажают не глубже 6—8 см.

На небольшой площади их лучше засыпать плодородной землей (компостной). При посадке на гребнях клубни сажают на глубину 8—10 см. Для этого на перекопанной, рыхлой почве намечают на должном расстоянии один от другого прямолинейные рядки, раскладывают клубни, а затем с двух сторон мотыгой (чтобы получилась форма гребня) заделывают землей на нужную глубину.

Два последующих окучивания растений увеличат слой почвы до 13—15 см. На песчаных и супесчаных почвах поздний картофель обычно сажают на ровной поверхности и заделывают клубни на глубину не менее 12 см. На легких почвах картофель не окучивают или в дождливую погоду окучивают один раз и невысоко. Во всех случаях крупный картофель сажают несколько глубже, чем мелкий.

Уход за поздним картофелем тот же, что и за ранним. Однако прополку сорняков и рыхление междурядий нужно стараться провести до появления всходов, особенно на тяжелой почве. Если рыхление и окучивание своевременно не провели, клубни образуются у самой поверхности почвы и зеленеют. Такие клубни от здоровых и урожайных растений нужно оставлять на семена.

Первую подкормку растений азотом (25 г сульфата аммония или 12 г

мочевины на 1 м кв) приурочивают к первому окучиванию. Вторую подкормку калийными удобрениями (20 г сернокислого калия или 60 г калимагнезии на 1 м кв) проводят в начале бутонизации растений (до смыкания ботвы).

Во влажную погоду проще и правильнее внести удобрения в сухом виде, при засушливой — подкормку целесообразно совместить с поливом. Если минеральных удобрений нет, используйте органические удобрения и золу. Коровяк или птичий помет разводят соответственно в 8—10 раз водой, расходуя 2 л раствора под растение. Золу вносят в бороздки по 0,5 стакана на куст, заделывают почвой, а междурядья рыхлят.

Очень часто бывает — ботва большая, а клубней нет. Это результат избытка в почве азота, внесенного в поздние сроки в больших дозах (растения жируют). В этом случае на 1 м кв посадки надо внести 30 г суперфосфата, 25 г калимагнезии или 15 г сернокислого калия. Калийные удобрения можно заменить золой (стакан на один куст). Удобрения вносят в борозды и при возможности дополнительно окучивают растения, что будет способствовать лучшему усвоению фосфора. Такая подкормка поможет образованию клубней и ускорит их созревание.

Уборка позднего картофеля. Самый большой прирост клубней (за сутки до 25 г на куст) бывает в период от массового цветения до начала подсыхания нижних листьев у растений. Поэтому картофель нужно убирать после отмирания ботвы, когда прирост клубней почти заканчивается. Если клубни долго находятся в почве, они теряют массу и хуже хранятся.

В средней полосе уборку картофеля нужно начинать не раньше 20

сентября. Крайний срок уборки — конец сентября. Это позволит выкопанный картофель хорошо просушить, отсортировать, перебрать, а все это будет способствовать его лучшему хранению.